



«YANGI O'ZBEKISTONDA ERKIN VA FAROVON YASHAYLIK!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

VATANPARVAR



Saytimizga o'tish
uchun QR-kodini
skaner qiling.



«Men
g'olib!»ning
g'oliblari
tananali
taqdirlandi

TANKCHILARIMIZ ISHONCHLI
QADAM TASHLADI

• QAMROVI KENG, NUFUZI
BALAND • MUVAFFAQIYAT
NASHIDASI • KESKIN VA
MUROSASIZ KECHDI

2021-yil 27-avgust, №34 (2941)

Mudofaa vazirligi tizimiga oid so'nggi yangiliklar bilan
quyidagi manzillar orqali tanishing:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

Жорий йил 22 августдан 5 сентябргача давом этадиган «АрМИ – 2021» Халқаро армия ўйинларида дунёнинг 43 давлатидан 295 та жамоа иштирок этяпти. Йилдан-йилга мазкур мусобақанинг нуфузи ошиб, географик қамрови кенгаймоқда.

Ўтган йилги Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари 16 йўналишда иштирок этиб, шундан учтасида мутлақ ғолибликни қўлга киритган, умумий 14 тасида юқори поғоналарни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни банд этган эди.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаларининг 24 турдаги мусобақаларда иштирок этиши режалаштирилган. Шулардан бири – «Саян юриши» мусобақаси

ҚАМРОВИ КЕНГ,



жорий йилнинг 14-16 апрель кунлари Россия Федерациясида бўлиб ўтди ва 7 мамлакат – Россия, Хитой, Ўзбекистон, Абхазия, Жанубий Осетия, Тожикистон ва Қирғизистон Республикаси жамоалари иштирок этди. Якунда вакилларимиз фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Айни кунларда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» тоғ полигони «АрМИ – 2021» VII Халқаро армия ўйинларининг «Ҳарбий-тиббий эстафета» ва «Дала ошхонаси» мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.

Ҳар икки мусобақа бошланиши олдида матбуот анжумани ва пресс-тур бўлиб ўтди. Анжуман аввалида «Ҳарбий-тиббий эстафета» мусобақаси бош ҳаками тиббий хизмат полковниги Носиржон Фозилов ва «Дала ошхонаси» танлови бўйича бош ҳакам подполковник Санъат Ҳошимов йиғилганларга мусобақа тўғрисида батафсил маълумот берди. Журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Пресс-тур иштирокчилари мусобақага тайёргарлик жараёни, дала-ўқув майдонида яратилган шароитлар билан яқиндан танишди, шунингдек, полигонда республикамизнинг ҳар бир вилоятига хос миллий маданият, урф-одат, анъана ва қадриятларни ўз ичига олган декорациялар, ҳунармандчилик буюмлари, миллий созлар ва либослардан иборат махсус ҳудудларни томоша қилди.

«Ҳарбий-тиббий эстафета» ва «Дала ошхонаси» танловларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, Россия Федерацияси мудофаа вазири ўринбосари Тимур Иванов, иштирокчи давлатлар жамоалари вакиллари, сенаторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, журналистлар, фахрийлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мусобақа иштирокчиларини қўлаб, уларга омад тилади. Маросимда ҳакамлар, мусобақа қатнашчилари, фахрий қоровул ва линейчилар тантанали марш билан ўтишди. Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестрининг кўرғазмали дефилеси, таниқли бадийи жамоалар ва санъаткорлар ижросидаги катта концерт дастури ҳамда турли халқлар маданиятини ифода этувчи чиқишлар намоиш қилинди.

«Ҳарбий-тиббий эстафета»: серияли ғалаба ва рекордлар

«АрМИ – 2021» Халқаро армия ўйинларининг «Ҳарбий-тиббий эстафета» танлови, мана, учинчи йилдирки, мамлакатимизда ўтказилмоқда. Абу Али ибн Сино издошлари бўлган шифокорларимиз кетма-кет икки йил мутлақ ғолибликни қўлга киритгани қувонарли, албатта. Жорий йилда ҳам ҳарбий шифокорларимизнинг беллашувга пухта тадорик кўргани дастлабки натижалардаёқ ўз аксини топди.

Ўзбекистон, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Беларусь, Вьетнам, Мьянма, Фаластин, Тожикистон ҳарбий хизматчилари беллашаётган ушбу мусобақада дастлаб қўрға ташлаш йўли билан 4 та йўналиш – «Шахсий маҳорат» баҳси бўйича эркалар ва аёллар ўртасида, «Жамоавий биринчилик» ҳамда «Махсус техник ҳайдовчилар ўртасидаги беллашув» юзасидан жамоалар иштирокининг кетма-кетлиги аниқланди.

Мусобақанинг «Шахсий маҳорат» беллашувида иштирокчи жамоалар вакиллари – кичик ва ўрта тиббиёт ҳамда врач-мутахассислар эркалар ва аёллар гуруҳларига бўлинган





НУФУЗИ БАЛАНД



холда ўзларига бириктирилган қуроллар, яъни АК-74 автомати ва ПМ-9 пистолетидан нишонларга яқка тартибда отиш бўйича мерганлик маҳоратини синовдан ўтказди.

Баҳс халқаро ҳакамлар ҳамда хорижий давлатлар делегациялари раҳбарларининг бевосита кузатуви асосида шаффоф тарзда бўлиб ўтди. Қувонарлиси, Ўзбекистон Республикаси жамоаси вакиласи – мутахассис-фельдшер кичик сержант Амина Мамедова энг юқори натижа кўрсатиб, АК-74 қуролидан отиш бўйича 193 балл тўплади ва янги рекордни ўрнатди. Аввалги рекорд 185 балл бўлиб, 2019 йилда ўрнатилган эди.

ПМ-9 пистолетидан ўқ отиш бўйича аёллар ўртасида ўтказилган баҳсларда Хитой Халқ Республикаси вакиласи шифокор лейтенант Фу Фэй ҳам 184 балл тўплаб, аввалги рекордни янгиллади. Мусобақанинг

мазкур шарти бўйича сўнгги рекорд натижа 176 балл бўлиб, уни 2018 йилда Россия Федерацияси жамоаси вакиласи ўрнатган эди. Умумжамоа ҳисобига кўра, «Шахсий маҳорат» беллашувида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси биринчи, Россия Федерацияси иккинчи, Хитой Халқ Республикаси учинчи ўринларни қайд этди.

Ошпазлардан маҳорат дarsi

Мезбонлар билан биргаликда Россия, Вьетнам, Беларусь, Тожикистон вакиллари иштирок этаётган «Дала ошхонаси» мусобақасида дастлаб ҳар бир жамоа ўз миллий таомларини тайёрлаш бўйича кўргазмали маҳорат дарсларини намоиш этди.

Эндиликда барча жамоаларимиздан юқори натижаларни кутиб қоламиз.

Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ



VII ХАЛҚАРО АРМИЯ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ



Россия Федерациясининг Москва вилоятида жойлашган «Патриот» паркида йилнинг энг нуфузли халқаро ҳарбий мусобақаларидан бири бўлмиш VII Халқаро армия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Лейтенант Ориф МАМАЖОНОВ



Унда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, иштирокчи давлатлар расмий вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан мудофаа вазири ўринбосарлари полковник Қодир Турсунов ва полковник Алишер Норбоев бошчилигидаги бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар қатнашди.

VII Халқаро армия ўйинларининг очилиш маросимини Россия Президенти ўз нутқи билан бошлаб берди.

У халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳарбий хизматчиларнинг

касбий маҳоратини ошириш учун ҳарбий мусобақалар, шунингдек, иштирокчи давлатлар географияси ҳамда мусобақа ўтказиладиган жойларнинг доимий равишда кенгайиб бориши муҳимлигини таъкидлади. Шундан сўнг иштирокчи давлатлар ўз байроқлари остида саҳнага чиқиб келишди.




на-Фасо, Камерун, Кипр ва Эсватини Қироллиги давлатлари мусобақада бу йил илк бор иштирок этмоқда.

Юртимиз ҳарбий делегация вакиллари, шунингдек, Халқаро армия ўйинлари билан бир вақтда ўтказиладиган «Армия – 2021» халқаро ҳарбий-техник форумида ҳам иштирок этди. Шундан сўнг мудофаа вазири ўринбосарлари «Танк биатлони» мусобақасида иштирок этаётган жамоамиз вакиллари билан учрашиб, йигитларга омад тилади.



Лейтенант Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар департаменти
Россия Федерацияси Москва вилояти



ArMI – 2021

ТАНКЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ ТАШЛАДИ



Россия Федерацияси Москва вилоятида жойлашган «Алабино» полигонида бўлиб ўтаётган «Танк биатлони» мусобақаси VII Халқаро армия ўйинларининг диққат марказида бўлиб турибди. Беллашувлар борган сари қизғин тус олмоқда.

25 август куни вакилларимиз ҳаракатланаётган биринчи дивизионнинг иккинчи экипаж аъзолари ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Бу гал ҳам танкчиларимиз Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси жамоалари билан бир гуруҳда ҳаракат олиб борди.

Мазкур босқичда ҳам Т-72Б3 танкини моҳирлик билан бошқариш, тўсиқлардан беталафот ўтиш, белгиланган нишонларни яқсон қилиш ва имкон қадар қисқа муддатда финиш чизиғига етиб келиш вазифаси юклатилди. Бу сафар юртимиз шарафини лейтенант Шаҳзод Мамадиёров командирлигидаги танк экипажи муносиб ҳимоя қилди. Экипаж таркибидаги кичик сержант Ислонбек Собиров мўлжалга олувчи вазифасини бажарган бўлса, механик-ҳайдовчи катта сержант Каримбек Ўринов танкни моҳирлик билан бошқарди.

Айтиш жоизки, баҳсда вакилларимиз олдинги экипажимизга нисбатан яхшироқ натижа кўрсата

олди. Лейтенант Шаҳзод Мамадиёров экипажи аввалги экипаж қайд этган натижадан 1 дақиқаю 36 сония тезроқ финиш чизиғига етиб келди. Экипаж механик-ҳайдовчиси катта сержант Каримбек Ўринов Т-72Б3 танкини умумий ҳисобда 72 км/соат тезликкача чиқара олди.

Шундай қилиб, якуний натижаларга кўра, россиялик танкчилар экипажи 19 дақиқаю 18 сонияда финишга етиб келди. Хитой Халқ Республикаси жамоаси эса 20 дақиқаю 13 сония натижа қайд этди. Вакилларимиз стартдан финишгача 22 дақиқаю 35 сония вақт сарфлашди.

Эслатиб ўтамыз, жамоаларнинг учинчи экипажи 28 август куни ўзаро беллашади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, вакилларимиз ҳаракат олиб бораётган биринчи дивизионда жами 11 жамоа – Россия, Хитой, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғис-



тон, Монғолия, Ўзбекистон, Сербия, Венесуэла, Сурия ва Вьетнам биринчилиқ учун курашади. Юртдошларимиз иштирокидаги кейинги баҳслар 25–28 август кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Қолган вакилларимиз ҳам белгиланган ҳудудларда қизғин беллашувларга киришган. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларида батафсил таништириб борамиз.

Лейтенант Ислонжон ҚЎЧҚОРОВ,
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар департаменти
Россия Федерацияси Москва вилояти,
«Алабино» полигони

"MEN G'OLIB!"

“МУВАФФАҚИЯТ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ЭТИБ КЕЛАЁТГАН ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ ЭРИШАЁТГАН НАТИЖАЛАР ЗАМИРИГА НАЗАР ТАШЛАР ЭКАНМИЗ, МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ СИФАТИДА 2018 ЙИЛДАН БУЁН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҚЎШИНЛАРИДА «МЕН ҒОЛИБ!» ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН АРМИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИ.



Армия ўйинларининг ҳарбий округлар ва Мудофаа вазирлиги миқёсида ташкиллаштирилиши жамоалар ҳамда иштирокчиларнинг халқаро мусобақага қатнашишдаги соғлом рақобатни янада оширди. Бунинг натижасида ушбу мусобақалар орқали ҳарбий хизматчиларнинг жанговар, жисмоний ҳамда руҳий тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш таъминланди.

«Чирчиқ» дала-ўқув майдони армия ўйинларининг Мудофаа вазирлиги миқёсидаги навбатдаги баҳсларига мезбонлик қилди. Барча ҳарбий округлар, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти каби ўнга яқин жамоа иштирокида бўлиб ўтган мусобақа мурасасиз беллашувларга бой бўлди. Чунки деярли бир ҳафта давом этган баҳсларга дастлабки босқичнинг энг зўрлари ташриф буюрганди. Айнан шу ҳолат қатнашчиларнинг «Чирчиқ» дала-ўқув майдонидаги ҳар бир хатти-ҳаракатини ғолибликка даъвогарлик рақсига айлантириб юборди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Мудофаа вазирлиги миқёсидаги армия ўйинлари миллий армиямиз мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос йўналишларда ўтказиб келинмоқда. «Танк биатлони» мусобақаси бунинг яққол намунасидир. Мазкур йўналишдаги беллашувнинг танк ва зирхли ҳарбий техникалар биатлони кўриниши остида ўтказилиши мусобақаларнинг ҳар томонлама қизиқарли бўлишидан далолатдир.

– «Танк биатлони»да Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти шарафини ҳимоя этаётган бўлсак-да, совриндорлар қаторидан жой олиш осон кечмаслиги аниқ. Негаки, рақиб жамоалар сафида айнан бизнинг таълим масканимизда ўқиган, кейинчалик танк қўшинлари сафида катта тажриба орттирган офицерлар бор. Экипажимизда икки нафар

НАШИ ДАСИ

Муаллиф суратга олган



офицер ва икки нафар курсант билан ҳаракат қиялпмиз. Биз учун энг муҳими – билим юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этиш ва курсантларимиз маҳоратини ошириш, – дейди катта лейтенант Акрамжон Бобохонов.

Мусобақаларни кузатиш жараёнида «Танк биатлони», «Ишончли қабул», «Ҳарбий ралли», «Тинчлик жангчиси», «Қўшин разведкаси аълочиси» каби йўналишларда кўплаб ҳаяжонли дақиқаларнинг гувоҳига айландик. Ҳарбий хизматчилар белгиланган махсус йўлақлар ва трассаларда шахсий маҳоратларини намойиш этишдан ташқари зирҳли ҳамда жанговар техникаларда ўзига хос трюкларни бажаришди. Айримлар учун алоқачилар, разведкачилар, мерганлар,

ҳайдовчилар, қолаверса, барча ҳарбий хизматчилар ўз профессионал вазифасини бажараётгандек туюлиши мумкин. Қуёш нурларининг юқори ҳарорати, 25–30 килограммлик жангчи юк халтаси, зирҳли нимча, жанговар қуроллар ва газ ниқобида югуриш, белгиланган вақт, амалга оширилган хатоларга бериладиган жарималар учун қўшимча масофаларни босиб ўтиш қанчалик машаққатли эканлигини ҳарбийларимиз ҳам яхши тушунади. Аммо улар ғолиблик маррасидаги муваффақият наши-

даси томон фақат ва фақат олға интилавердилар.

2018 йилдан Халқаро армия ўйинлари таркибига киритилган «Тинчлик жангчиси» мусобақаси бошқа беллашувлар сингари тез оммалашиб бормокда. Ушбу йўналишда жамоа шарафини ҳимоя қиладиган қатнашчилардан бири аёл ҳарбий хизматчи бўлиши шарт. «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида бўлиб ўтган мураккаб машқлардан иборат мусобақада Ватан ҳимоячисидек шарафли касбни танлаган аёл ҳарбий хизматчилар ҳам йигитлар билан бир қаторда беллашдилар.

Қисқа қилиб айтганда, 20 дан ортиқ йўналишда баҳслашган қатнашчиларнинг барчаси яна бир марта жанговар, жисмоний ҳамда руҳий тайёргарлик маҳоратларини намойиш қилдилар. Якуний натижаларга кўра, ғолиблик ва совринли ўринларни қўлга киритган жамоалар муносиб тақдирланди. Ўз йўналишларида зафар қучганлар эса келгуси йил Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя этиш имкониятига эга бўлишди.

Асқор РЎЗИБОВЕВ,
«Vatanparvar»



КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ КЕЧДИ



Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсида спортнинг кўпкураш тури бўйича чемпионат бўлиб ўтди. Унда 10 та жамоа Мудофаа вазирлиги кубоги учун кураш олиб борди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтган чемпионат турникда тортилиш, ётган ҳолда гавдани тик кўтариб қоринга қараб тортиш машқи, қўлларга таяниб гавдани кўтариб тушириш машқи, 3 200 метрга югуриш, жанговар самарадорликни ошириш тести каби йўналишларни ўз ичига олди.



Муаллиф суратга олган



Кескин ва мурасасиз мусобақада жамоаларнинг ютуқларидан ташқари индивидуал натижалар ҳам қайд этилди. Жумладан, турникда 49 марта тортилган Шарқий ҳарбий округдан контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ҳайтбой Назаров мусобақа рекордини ўрнатган бўлса, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакили контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шаҳзод Худойбердиев ётган ҳолатда гавдани тик кўтариб қоринга қараб тортиш машқини 1 583 марта бажариб, мусобақа рекордини ўрнатди. Қўлларга таяниб гавдани кўтариб тушириш машқи бўйича ҳам Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакили контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шаҳзод Қаюмов 900 марта бажариб, ҳаммадан жисмоний устунлигини намоиш этди.

Чемпионатнинг сўнгги босқичи «Чирчиқ» дала полигониди бўлиб ўтди. Унда жамоалар жанговар самарадорликни ошириш тести бўйича беллашдилар. Шубҳасиз, мусобақанинг сўнгги шартни жуда қизиқарли бўлиб ўтди. Боиси, турли тўсиқлардан ўтиб, ярадор қуролдошига ёрдам бериш, симтўсиқлар орасидан ётган ҳолда ўтиш, сув тўлдирилган чуқурликдан сакраш, 20 килограмм юкни кўтариб югуриш, граната улоқтириш, автоматдан нишонга ўқ отиш каби бир нечта шартни қисқа вақт ичида тез ва сифатли бажариш кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тошкент ҳарбий округидан кичик сержант Санжар Сафаровнинг 1 дақиқаю 7 сонияда барча тўсиқлардан аниқ ва беҳато ўтганлиги мусобақа сўнгги шартининг рекорди бўлди.

– Жорий йилнинг ноябрь ойида Покистонда бўлиб ўтадиган III халқаро ҳарбийлар ўйинларида Мудофаа вазирлиги жамоасининг иштирокини таъминлаш мақсадида ушбу мусобақани ўтказдик, – дейди подполковник Азизбек Ҳайдаров. – Яқинда ушбу халқаро мусобақага оид бўлиб ўтган конференцияда фикр алмашилди ва керакли кўрсатмалар берилди. Биз саралаш босқичини ўша кўрсатмалар бўйича амалга оширдик. Фахр билан айтишим мумкинки, саралаш жараёнида қатнашган жамоалар жуда юқори натижаларни қайд этишди. Ўйлайманки, биз саралаб олган ҳарбий хизматчилар халқаро майдонларда ҳам муносиб иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишади.

Умумжамоа ҳисобида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ биринчи, Тошкент ҳарбий округи иккинчи, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти учинчи ўринларни қўлга киритди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

ARMIYA SPORTI

«ҚЎЛ ЖАНГИ»НИНГ МУЗАФФАР ЖАНГЧИЛАРИ

**МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҚЎШИНЛАРИДА
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАБ «КЎРГАЗМАЛИ ҚЎЛ ЖАНГИ
НАМОЙИШИ» ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**



Мусобақада жамоалар намоёишкорона, яккалик, курол ва куролсиз кўринишдаги машқларни намоёиш этиб, ўз маҳоратларини қатъий синовдан ўтказишди.

Чемпионатнинг биринчи босқичи ҳарбий қисмларда ўтказилиб, унда жамоа учун энг яхши жангчилар саралаб олинди. Иккинчи босқич эса ҳарбий округлар ўртасида ўтказилиб, бунда қўл жанги усталари жамоавий ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Ва ниҳоят учинчи – республика босқичида барча номинациялардан мардондор ўтган 7 та жамоа, яъни ҳарбий округлар ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги жамоалари ўзаро куч синашди.

Саҳна чиқишлари Қўл жанги ва Ўзбек жанг санъати федерациялари мутахассислари томонидан 15 та йўналиш бўйича баҳолаб борилди. Ҳар бир жамоа таркиби 30 нафар жангчидан ташкил топган бўлиб, улар 10 дақиқа мобайнида майдонда ўз маҳоратларини кўрсатиб беришди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўринга Тошкент ҳарбий округи жамоаси, 2-ўринга Шарқий ҳарбий округ жамоаси ва 3-ўринга Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги жамоаси муносиб деб топилди.

**Подполковник Азиз ҲАЙДАРОВ,
Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи**

Ушбу чемпионатнинг ўтказилишидан асосий мақсад – Мудофаа вазирлиги қўшинларида қўл жанг санъатини янада ривожлантириш, ёшларнинг спортга ва ҳарбий хизматга бўлган иштиёқини ошириш ҳамда бир қатор нуфузли мусобақаларда жамоамиз иштирокини таъминлашдан иборат.



Хабарингиз бор, Мудофаа вазирлиги миқёсида жорий йилнинг 16–21 август кунлари «Мен ғолиб!» шиори остида «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида 16 та номинация бўйича армия ўйинлари юқори кайфият ва жанговар руҳда бўлиб ўтди.



«МЕН ҒОЛИБ!»НИНГ ҒОЛИБЛАРИ ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАНДИ



Куни кеча мусобақа ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилиб, унда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, Тошкент вилояти ҳокими Даврон Ҳидоятлов ҳамда бир гуруҳ фахрийлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Очилиш маросимида сўз олганлар Президентимиз бошчилигида мудофаа тизимида амалга оширилаётган янгича ислохотлар ва унинг самарали ютуқлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Сўнгра «Танк биатлони», «Ишончли қабул», «Ҳарбий ралли», «Тинчлик жангчиси», «Қўшин разведкаси аълочиси», «Артиллерия олови устаси», «Мусаффо осмон», «Армия тактик отиши», «Қуролсоз устаси», «Хавфсиз муҳит», «Мерганлар марраси», «Энг илғор АГС ҳисоби», «СПГ ҳисоби» каби 16 та номинация бўйича ғолибликни қўлга киритган жамоаларни байрамона тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳар бир номинация бўйича ғолибликни қўлга киритган 1-, 2- ва 3-ўрин эгаларига мудофаа вазири ва фахрий меҳмонлар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилиб, музаффар жамоа аъзоларининг малака тоифаси бир поғонага кўтарилди.

Б. ЭЛМУРОДОВ

"YO'L PATRULI"

Мусобақа ва беллашувлар ҳарбий хизматчиларнинг билим ва салоҳиятини юзага чиқариш билан бирга, тажриба ва маҳоратини синовдан ўтказди. Юрт тинчлиги ва осойишталигига қалқон бўлган ўғлонлар учун бу жуда муҳимдир. Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан илк маротаба куч тузилмалари ўртасида ўтказилган «Йўл патрули» мусобақаси ҳам бу борада ҳақиқий маҳорат мактаби бўлди. Мазкур мусобақанинг тантанали очилиш маросими ҳунармандлар шаҳри бўлмиш Қўқонда ўтказилди.

МАҲОРАТ БЕЛЛАШУВЛАРДА САЙҚАЛЛАНАДИ



Маросимда Мудофаа вазирлигининг масъул офицерлари, Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар бу каби мусобақалар ҳарбийлар учун ўзига хос мардлар, майдони бўлишини таъкидлаб, иштирокчи жамоаларга омад ёр бўлишини тиладилар. Шундан сўнг мусобақа иштирокчилари таъиништирилди. Жамоалар саф тортган майдонга давлатимиз байроғи ва жанговар байроқ олиб кирилди ҳамда мадҳиямиз янгради.

Тантанали тadbир давомида Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари кенгаши тўғрарак аъзолари ва масъул ходимларининг авто, мото ҳамда авиамоделъ намойишлари бўлиб ўтди.

Хушовоз хонандаларнинг ватанпарварлик туйғусини тараннум этувчи шўх куй-қўшиқлари эса тadbирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Нихоят, мусобақаларга старт берилди. Беллашувда Мудофаа, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари иштирок этди. Дастлаб қуръа ташланди ва иштирокчиларнинг мусобақада қатнашиш тартиби аниқланди.

Биринчи шарт «Индивидуал ҳолатда автомобилни бошқариш» деб номланди. Ушбу шартни бажаришда деярли барча иштирокчилар юқори даражада касбий маҳоратларини намойиш эта олишди. 2-шартда уларнинг экстремал ҳолатлардаги бошқарув имкониятлари синовдан ўтказилди. 3-шарт команда ҳолатида бошқариш, 4-шарт эса тезликни ошириб, экстремал ҳолатда тўхташ деб номланди. Бироз қийин ва қалтис



ҳаракатларни талаб қилувчи бу икки шарт чаққонлик ва уddaбу-ронликни талаб қилди.

Беллашувда иштирокчилар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «NEXIA 3» русумли автомобилда ҳаракатланишди.


Мусобақа якунлангандан сўнг тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Натижаларга кўра, 1- ва 2-ўринни Мудофаа вазирлигининг биринчи ва иккинчи жамоалари қўлга киритди. 3-ўринни эса Ички ишлар вазирлиги жамоаси эгаллади.

Ғолиб жамоалар кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА**

АДИБЛАР ХИЁБОНИ — МАЪРИФАТ ХИЁБОНИ

Адиблар хиёбони. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган сўлим маскан. Ҳазрат Алишер Навоий ва унга қараб турган ўзбек адабиётининг улкан намояндалари сиймоси. Айниқса, сўз мулкининг султони сиймосига назар ташлар экансиз, кўнглингиздан беихтиёр шундай кечинмалар ўтади.



Халқимиз йўл-йўриқ кўрсатган тажрибали кишилар, муаллим ва бошқа эъзозу эътиборга сазовор кишиларни устоз дея қадрлайди. Ҳазрат Навоийнинг қиблага қараб турган сиймосига қараб, туркий адабиёт, хусусан ўзбек адабиётининг пешвоси, устози – шу муҳтарам зот деган ўйга келасиз. Ва бу мутлақо табиийдир. Бошқа адибу шоирларимизнинг сиймолари эса Навоий бобога қаратиб барпо этилган. Худдики, устоз дарс бермоқдалар-у, қолганлар сомеъ бўлиб ўтиришибди. Ёки буюклар бир-бирларига ғазалу шеърлар айтишаётгандек.

Адиблар хиёбонида илгари улуг сўз салафлари Ғафур Ғулом, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Озод Шарафидинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуфларнинг ҳайкаллари ўрнатилган бўлса, эндиликда Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ, Муҳаммад Аминхўжа ўғли Муқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авланий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг каби мумтоз, жадид, замонавий адабиётимизнинг энг ёрқин намояндалари ёдгорликлари ҳам қад ростлади. Буларнинг барчасини яхлит бир меъморий мажмуа деб айта оламиз. Ҳайкаллар атрофидаги чаманзор, гуллар, дарахтлар бу адибу шоирларнинг қутлуг аңжуманига жуда-жуда ярашиб турибди. Таъриф тавсифига муносиб бир сўз тополмай турган бир пайтингда ҳазрат Навоийнинг шундай ўгити ёдга тушади:

**Агар тузлук ўлса
кишининг иши,
Не васф айлай олғай
ишини киши.**

Дунёда боғлар кўп. Бирови ўзининг гулу гиёҳлари билан шўхрат қозонган бўлса, яна бири дарахтларининг хилма-хиллиги билан кишиларнинг ҳайрат-ҳаяжонига сабаб бўлмоқда. Яна бошқаси ўзига хос кўринишда барпо қилингани билан қалбларни тўлқинлантирмоқда. Бироқ бизнинг Адиблар хиёбони боғи ўхшаши йўқдир. Назаримда, дунёнинг бошқа бирор бир шаҳрида бундай боғ бўлмаса керак. Бу ерда сайр этгувчи киши, энг аввало, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади. Шунингдек, улуг аждодларимизнинг сиймоларига қараб уларни ёдга олади, асарларини мутолаа қилиш фикрига келади. Ўқийди, баҳраманд бўлади. Хайрли сабаб билан онгу шуурига сўз аталмиш покиза неъматдан шуълалар тушади. Энг муҳими ҳам шу-да, ахир. Хиёбоннинг шундоққина бағрида

жойлашган оппоқ марвариддек иншоот – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси ҳамда Тошкент музейи ҳам келгувчиларнинг маънавий дунёсига бир олам хазиналар тортиқ қилишига асло шубҳа йўқ. Мана, кўриб турганингиздек, Адиблар хиёбонини барпо этишдан кўзланган мақсад қанчалар эзгу. Ўйлайманки, қайси қалбда шу манзилдаги эзгулик уруғлари сочилса, унинг уриб турган юрагида Ватанга, миллатга, она тилимизга бўлган меҳру муҳаббати чечаклари униб чиқади. Унинг муаттар ифори эса яна қанча-қанча дилларга хуш кайфият бағишлайди.

Адабиёт кўнгилларга нурдир

Одамзоднинг энг улуг кашфиёти – китоб, адабиёт эса бу китобнинг гавҳаридир. Агар инсоннинг ақлу тафаккури сўз санъати дурдоналарини яратмаганида эди, оламни бундай тарзда кўриш мумкин бўлмас эди. Ҳар қандай тараққиётнинг туб ўзаги, пойдевори адабиёт, десак, хато қилмаган бўламиз. Бежиз, устозлар тақдирлари боғлаган муаззам ҳаётни онажон деб эъзозлашмаган. Бугун адабиётга ва адабиёт аҳлига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қилинаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Мана шундай азим боғ, боғ оғушида Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биносининг барпо этилиши, атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари фаолиятининг йўлга қўйилиши, китоб ва китобхонликка оид кўплаб тарихий ҳужжатларнинг қабул қилиниши – адабиётга ва ижодкорларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Халқимиз ўз адибларидан ҳар доим сара-сара адабий асарлар кутади. Биз, ижодкорлар эса уларнинг бу ҳақли талаб ва эҳтиёжларини покиза виждон билан адо этишимиз лозим. Адиблар хиёбонида, ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан учрашув чоғида миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда галда-



ги муҳим вазифалар ҳақида сўзлаш асносида мамлакатимиз раҳбари: «Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз», деди. Ушбу сўзлардан ҳам англашиладики, адибларимиз олдида катта вазифалар турибди.

Бугун замоннинг шиддати юқори. Янгилаш, ўзгаришлар суръати ҳар қачонгидан тезоб. Шундай экан, ижодкор қадамни давр одимига мослаши, ижод камарини янада қаттиқроқ боғлаб, янгидан-янги етук асарлар яратиши, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга арзирли ҳисса қўшиши лозим. Замон мураккаб. Ахборотлар хуружи авж олган. Бутун бошли мамлакатлар кишиларининг қалбини эгаллаш, онг-шуурига ўз қарашларини синдириш, ўз таъсирига олиш учун омонсиз кураш кетаётган бир даврда суст-кашлик кечирилмас ҳолдир. Миллий адабиёт ривожини – миллий ўзликни сақлаб қолиш демакдир.

Шубҳасиз, бизнинг улуг адабиётимиз бор. Бироқ уни бутун дунёга танитиш, шу йўл билан миллатимиз ўзлигини, ўз бўй-бастини банибашар олдида намоён қила олишимиз керак. Мамлакатимиз раҳбари ижодкорлар билан учрашуви асносида Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларнинг асарлари хорижий тилларда нашр этилаётгани яхши, бироқ бу айрим таржимонларимизнинг шахсий ташаббуси билангина амалга ошаётганини, бу борада Ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини дунё тилларига таржима қилиб, нашр этиши зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёш таржимонлар Ғафур Ғулом, Озод Шарафидинов, Асил Рашидов, Низом Комил, Иброҳим Ғафуров каби устоз таржимонлар мактабида сабоқ олиб, уларнинг ишларини муносиб равишда давом эттиришлари зарур.

Биз биламизки, давлатимиз раҳбари «Туркий адабиёт хазинасидан» ва «Рус адабиёти дурдоналари»ни нашр этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу йўналишдаги ишлар аллақачон бошланган. Демак, китобхонларимизга у қадар таниш бўлмаган асарларни она тилимизга ўгириш учун ҳам таржимонларнинг янги авлодига эҳтиёж сезилади. Умид қиламизки, мутаржимларимиз ўз навбатида бизнинг мумтоз ва замонавий адабиёт дурдоналарини ҳам энг юксак

савияда хорижий тилларга таржима қиладилар.

Оламнинг ҳаётбахш ҳикмати – илм

Замонлар ўзгарди. Инсонларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, турмуш тарзларига ўзгача мазмун кирган. Киши бир лаҳза бўлсин, ўқишдан, ўрганишдан ортда қолмаслиги керак. Агар у замон янгиликларини ўз вақтида ўзлаштириб бормаса, кўп замондан орқада қолади. Бугун дунёнинг бир чеккасида бирор бир воқеа содир бўлса, ўша вақтнинг ўзида бошқа бир чеккасидаги одам хабар топади. Интернет ўз номига кўра ўргимчак тўри сингари бутун оламни қамраб олди. Тўғри хабар ҳам, нотўғри хабар ҳам яшин тезлигида оламга ёйилади. Ҳақни ноҳақдан, ростни хатодан ажратиш олиш учун эса бугун илм ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур. Юртбошимиз ҳар бир учрашув-мулоқотларида илм олиш, китоб ўқишни тарғиб қилишлари бежиз эмас. Албатта, Интернетдан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос одоби бўлади. Демак, ёшларимиз замон билан ҳамнафас яшаш баробарида чуқур билим ва катта салоҳият соҳиби ҳам бўлишлари зарур. Ана шундагина улар бу имкониятлардан самарали фойдалана оладилар.

Ташриф давомида Президентимиз «Адиблар хиёбони» деб номланган Интернет порталини ташкил этиш таклифини билдирди. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамлалиши, портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижлик муҳлис ва мутахассисларнинг ҳам фойдаланиш имконияти яратилиши айтиб ўтилди. Энди бу хайрли ишлар изчил равишда амалга оширилмоғи лозим.

Адиблар хиёбони тимсолида кўрсатма, вазифаларни Ёзувчилар уюшмаси, олий ўқув юртлари ва қатор таълим-тарбия муассасалари ҳамкорликда амалга оширадилар. Ҳа, юртимизда оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Бутун дунё оғир, таҳликали даврни бошидан кечираётган бир паллада юртимизда бунёдкорлик ишларининг жадал суръатларда бориши дилларга нур бағишлайди. Бу кунларни асарларимизга кўчириш виждоний бурчимиздир. Ўзбекистон халқ шоири устоз Ғафур Ғулом мисралари тимсолида айтадиган бўлсак:

**Ўсар севимли ва бахтли
бизнинг шонли Ватан,
Ҳаётимиз ҳали минг
«Шоҳнома»лар бўлади.**

**Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси ўринбосари**

KELIN KITOBI D'QI

ЭНИНГ ЎТКИР



**Биз сеvimли
адибимиз
асарларини аввал
хам мутолаа учун
бир неча бор тавсия
қилганмиз. Хотира
барельефининг
очирилиши муносабати
билан адибимиз
асарлари ҳақида яна
сўз айтишни лозим
топдик. Бугун айна
бир асар ҳақида биз
эмас, ёзувчининг
ўқувчилари
гапирадилар.**

Адибнинг 2009 йилда нашрдан чиққан танланган асарларига Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад сўзбоши ёзганлар. Ундан бир парчани **Ўқиймиз**: «Агар сиз унинг китобларини диққат билан ўқисангиз, ижоди халқ ҳаёти билан нақадар ҳамоҳанг эканига, саҳифалар қатидан нечалаб инсонлар тақдири бош кўтариб чиқишига гувоҳ бўласиз. Унинг ёзганлари афсона ҳам, эртак ҳам эмас. Соф ҳақиқат. Китобхон унда ё отаси, ё акаси ва ёки яқин бир киши билан учрашади. Уларнинг кураш ва меҳнатда ўтган тарихларига рўбарў келади.

Оламдан ном-нишонасиз ўтиб кетган, аммо шон-шараф билан яшаган кишилар кўз олдимизда пайдо бўлади. Уларнинг қувончларидан кўксимиз қалқиб-қалқиб кетади, ғаму андуҳларидан кўзларимиздан ёш тўкилади.

«Икки эшик ораси» романи қайта-қайта нашр қилинганига қарамай, китоб дўконларида туриб қолмади. Талаш бўлиб кетди.

Романда уруш ва урушдан кейинги йиллардаги қишлоқ ҳаёти, урушнинг жами оғирликларини, маҳрумликларини азамат елкасида кўтарган, ўзи емай топганини жангчилар оғзига тутган, фидойи деҳқонлар жасорати мадҳ қилинган. Никоҳ кечасининг эртасига кувёвини жангга жўнатиб, келинлик либосини иш кийимига алмаштирган чиллал келинларнинг оғир, машаққатли меҳнатлари, ота ўрнига кетмон кўтариб, далага чиққан норасида гўдаклар, ўғли ўрнига ер чопган букчайган чол-кампира кўз олдингизда пайдо бўлади. Сиз уларнинг овозини эшитасиз, саратон жазирасида терлаган сержин юзларини кўрасиз».

Асарлари энг кўп ўқиладиган адиблар рўйхати бор-йўқлигини билмайман. Менинг фикримча, агар шундай сўровнома ўтказилса,

БОЛАСИ



адибимиз рўйхатнинг энг аввалида бўлишларига ишонаман.

Валижон ҚУВАНДИҚОВ пойтахтнинг 198-умумтаълим мактабида ўқийди. Ўн тўрт ёшли йигитча Ўткир Ҳошимов асарларига муҳаббат қўйган. Таассуротларини шундай баён қилади: «Икки эшик ораси»ни ўқиётган вақтимда ҳамма нарсани унутдим. Бу китоб менинг ўй-хаёлларимни тамоман эгаллаб олди. Оиламиз жамулжам пайтларда шу китоб ҳақида гапириб бергим келарди. Асар қаҳрамонлари орасида Минавар, Мунаввар исмли қиз бор... Уни худди қаршингизда тургандек кўрасиз, меҳр кўясиз, юрагингиз эзилади... Бу менинг энг сеvimли китобим, Ўткир Ҳошимов энг сеvimли ёзувчим».

Ёзувчи 2013 йилда бу оламни тарк этди аммо ўқувчилари яшариб бормоқда, асарлари ўша-ўша қадрли, қалбга яқин. Адиб асарларида яшамокда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизматининг бошлиғи **Фозил ФАРҲОД**нинг таассуротларига эътибор беринг-а: «Биринчи марта «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясини ўқиганман. Қаттиқ таъсирландим. Оналар фарзанди учун нималарга қўл урмайди-я?! Қаранг, бир ўғлини қутқариш учун иккинчи ўғлининг томорқасига ўғирликка тушди...

Ғоят ўзбекона, ғоят халқона образлар яратди. Айниқса, аёллар, оналар – бегонаси йўқ».

Сайёра ЗОКИРОВА:

– Икки эшик ораси» романини ўқиган кезларим ўн тўрт-ўн беш

ёшларда эдим. Асар қаҳрамонларидан Кимсанни яхши кўриб қолганман. Робиянинг тақдирдан қаттиқ эзилганман. Бугун фарзандларим ҳам Ўткир Ҳошимов асарларини севиб ўқишяпти. Катта ўғлим ўқиган китоблари билан ўртоқлашишни ёқтиради. «Дунёнинг ишлари» асарини менга тавсия қилар экан, шундай деб огоҳлантирди: «Бу китобни ўқисангиз, Самарқандга, бувимнинг олдиларига кетгингиз келиб қолади...» Демак, у асар моҳиятини тўғри англабди-да!

Майор Саминжон ЖЎРАЕВ:

– Жуда кўп китоблар ўқиганман, деб мақтана олмайман. «Дунёнинг ишлари»ни қачон ўқиганим ёдимда йўқ. Бу менинг энг сеvimли китобим. Уни қайта-қайта варақлашни ёқтираман. Ўқиётганимда онамнинг овозларини эшитгандек бўламан. Ўша лаҳзаларда мен китоб ўқимайман, худди онам билан суҳбатлашаётгандек бўламан. Шунинг учун бу китобни ёшларга тавсия қилгим келаверади.

Сайёра МАЪМУРЖОНОВА:

– Менимча, ҳар бир инсоннинг такрор ўқишдан зерикмайдиган китоби бор. Мен учун «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» ана шундай китоб. Уни вақти-вақти билан варақлаб тураман. Чунки унда менинг ўйларим, кўнглимга ҳамоҳанглик бор. «Хом хаёл»да шундай ёзган: «Қани энди, қайтадан гўдакка айланиб қолсанг-да, ўйлаганингни кўрқмасдан айтаверсанг!»

«Доно ва нодон» фалсафасига боқинг: «Доно нодондан ўзини бир поғона қуйи тутса, ҳайрон бўлманг. Тарозининг юкли палласи бўш палладан доим пастроқда туради...»

«Сукрот саволи» мени ҳар доим ҳайратга солади: «Улуғ олим Сукрот кўчада кетаётса, бир номард орқасидан келиб, курагига пичоқ урибди. Сукрот хотиржам бурилиб қараб, сўрабди:

– Мен сенга қачон яхшилик қилувдим, биродар?

Буюк файласуф саволида қанчалар изтироб борлигини хиёнатга йўлиққан одам билади!»

«Савоб ва гуноҳ»да ҳаёт ҳақиқатини кўраман: «Одамзоднинг табииати қизиқ: ўзининг тариқдек савоби – тарвуздек, тарвуздек гуноҳи – тариқдек туюлади...»

Ҳа, унинг ўқувчилари, тингловчилари ҳар вақт кўп бўлган.

Танишларимдан бири «Ўзбеклар» ҳикояси ҳақида сўз кетганида шундай деган эди: «Мен бу ҳикоя асосида олинган видеофильмни қизиқиш билан кўрдим. Ҳикоянинг номи «Гилам пайпоқ» бўлса керак, деб ўйлардим. Номи «Ўзбеклар» экан. Бу ҳикоя... юзимга ойна тутгандек бўлди. Қанчалик тан олиш оғир бўлмасин ёшлиқдаги хатоларим ёдимга тушди. Вақтни орқага қайтариб бўлса эди... ёки мен бу ҳикояни ўша ғўр дамларимда ўқисам эди...»

Бу ерда келтирилган фикрлар тумандан бир заррадир. Унинг асарларидан олинган таассуротларнинг ўзи улкан бир китоб бўлса керак. Биз ортиқча тафсилотларга берилмасдан «Ўзбеклар» ҳикоясидан бир парча келтириб, сўзни муҳтасар қиламиз.

Ўқиймиз: «Искандар меровси-раб, келинойининг қўлига қаради. Икки лўппи чой.

– Иккитасини ювғувчига бердик. Рози бўлинг, – келинойи титраётган лабини тишлади. – Тўртта эди. Саккизинчи мартда олиб келган экансиз. Отинойим, отинойим... – келинойи энтиқиб қолди. – Баркаш орқасига бекитиб қўйган эдилар. Биров келса, Искандарим обеклан чойдан дамланг, дотор чалиб турган чойдан, дердилар. Мен бошқа чой дамлардим. Бунисини отинойим ҳар куни ҳидлаб-ҳидлаб, баркаш орқасига бекитиб қўярдилар.

Искандар боши ғувиллаб бораётганини, ҳозир йиқилиб кетишини ҳис қилиб турарди. Келинойи... йиғлаганча қўйлагининг ёқасидан қўйнига қўл суқиб, эски газетга ўроғлик алланима чиқарди.

– Олиб қўйинг, – деди қоғозни узатиб. – Ўлимлигим деб, ёстиқларининг орасига қўйган эдилар. Сиз ташлаб кетган экансиз. Ювғувчининг ҳақини бердик. Қолганини санаб олинг...

Қачон, қачон шунча пул берганди у онасига!!! Бу қандоқ жазо! Бу қандоқ бедодлик! Шу кунидан кўра, онаси эмас, ўзи ўлгани яхши эмасмиди!!! Онаси йиллаб йиққан нафақа пулини ҳам Искандарим берди, деган... Қани энди кўрагини шундоқ йиртса-ю, юрагини суғуриб олиб, ерга улоқтирса!»

**Инобат
ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»**





ВАТАН ТАҚДИРИГА

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур рукн остида берилаётган савол-жавоблар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослантирилган тарзда тушунишнгизга ёрдам беради, деган умиддамиз.



1. Кузатувчи ким?

Кузатувчи – сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни бевосита кузатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади.

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларга, уларнинг аризасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан мандатлар (*рухсат берувчи ҳужжат*) берилади.

Хорижий (*халқаро*) кузатувчилари Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинади ва мандат берилади.

Мандат (*рухсат берувчи ҳужжат*) кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос ҳисобланади.



2. Кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;
- номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида қатнашиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;
- овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиш;
- агар тегишли сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл қўйилган, деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.



3. Кузатувчилар учун қандай ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади?

Кузатувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.



4. Хорижий (*халқаро*) кузатувчилар ким?

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда хорижий (*халқаро*) кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий (*халқаро*) кузатувчилар аккредитация қилиниб, мандат (*рухсат берувчи ҳужжат*) берилгандан сўнг сайлов жараёнида иштирок этишлари мумкин.

Хорижий (*халқаро*) кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган кунни тугайди.



5. Хорижий (*халқаро*) кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?

Хорижий (*халқаро*) кузатувчилар:

- сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;
- сайлов кунни овоз бериш жараёнини кузатиш;
- муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;
- сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериши жараёнини кузатиш;
- овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- кузатув олиб бориш давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигида бўлиш;
- сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (*қамоқда сақлаш ва озодликдан*

маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

- кузатув натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;
- сайловолди ташвиқоти белгилари бўлмаган, фамилияси, исми ва отасининг исми, ўзи вакиллик қилаётган ташкилотнинг номи кўрсатилган кўкрак нишонлари тақиш;
- округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;
- қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларидаги сайлов жараёнини кузатиш хоҳиши тўғрисида округ сайлов комиссиясига сайловга камида уч кун қолганда хабар бериш;
- агар сайлов участкасида сайловга оид қонунчилик ва халқаро нормалар талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек, юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;
- сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

6. Хорижий (*халқаро*) кузатувчиларга нималар ман қилинади?

Хорижий (*халқаро*) кузатувчиларга қуйидагиларни амалга ошириш ман қилинади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашуш, уларга эътирозлар билдириш;
- сайлов қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш жараёнига аралашуш;
- бирон бир партия ёки номзодга тегишли рамзий тусдаги белгиларни тақиб ёки олиб юриш;
- сайлов кунни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказиладиган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Хорижий (*халқаро*) кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларда иштирок этиши МСК томонидан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми бор)

Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланди.

■ AJDODLAR JASORATI – YOSHLARGA IBRAT

КАТТАҚҮРҒОНЛИК ТИРИК АФСОНА

Мататов Рахмин Рибиевич 1921 йил 18 сентябрда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шахрида кўп фарзандли мато ва ип газламалар бўёвчи уста оиласида туғилган. Оилада 6 фарзанд бўлиб, энг кичиги Рахмин 6 ойлик бўлганида отаси, 11 ёшга тўлганида эса онаси вафот этади.

1928 йилда Рахмин ўша йили расман очилган Каттақўрғондаги 6-сонли маҳаллий яҳудий мактабининг 1-синфида ўқишга қабул қилиниб 1935 йилда етти йиллик мактабни битиради. Сўнг Қўқон педагогика техникумига ўқишга киради ва 1938 йилда уни муваффақиятли тамомлайди.

1938–1940 йилларда ўзи тахсил олган мактабда фаолиятини бошлайди. Бу ерда у кундузи болаларга адабиёт ва она тилидан, кечқурун эса катталарга ўқиш ва ёзишдан таълим берарди. 1940 йилда Бухородаги яҳудий тили тожик тили билан бир-бирига яқин деб ҳисобланиб, маҳаллий яҳудий мактабларини қисқартириш ва уларни тожик мактаблари билан бирлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Маҳаллий яҳудий мактаби тугатилгач, 1940 йилда Рахмин Мататов Самарқанд педагогика институтининг кундузги Физика-математика факультетида ўқишга киради. Бироқ мушкул молиявий аҳволи туфайли яна ўқитувчиликка қайтиб, Янгиқўрғонча қишлоғидаги 15-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлаб бошлайди. Ўша пайтларда мунтазам қатновчи транспорт бўлмаганлиги сабабли, дам олиш кунлари, иш ҳафтаси бошида у Каттақўрғон шахрига ва қайта йўналишгача бўлган масофани пиёда босиб ўтади. Ушбу қишлоқ мактабида у 1941 йилнинг январидан 1942 йилнинг мартига ўқитувчи ва мактаб мудир бўлиб фаолият юритади.

Уруш давом этаётган бир пайт Рахмин уни армияга юбориш талаби билан бир неча бор мурожаатнома ёзган. Ниҳоят, 1942 йил 18 мартда Каттақўрғон шахар ҳарбий комиссарлиги томонидан Рахмин Мататов армияга сафарбар этилади ва курсант сифатида уруш бошларида Самарқандга эвакуация қилинган Қизил армия жанговар ҳарбий қисмлари учун радио бўлима командирлари тайёрлаб берувчи Воронеж ҳарбий алоқа билим юртига юборилади.

Билим юрти Самарқанд темир йўл вокзали яқинида жойлашган бўлиб, у ерда танк мактаби ва захирадаги ўқ отиш дивизияси ҳам бор эди. Билим юртида курсантлар электроника, радиотехника, турли хил маҳаллий радиостанцияларнинг тактик-техник маълумотларини, ҳар хил модификацияли телефонларни, ҳарбий топографияни ҳамда батальон, полк ва дивизия миқёсида радио, телефон алоқасини ташкил қилишни ўрганишади.

Улар шунингдек, умумқўшин ҳарбий фанларини ҳам ўрганишган. Курсантлар таълими 12 ой давом этган. У ерда таълим олувчилар орасида фақат икки нафар маҳаллий аҳоли вакили – каттақўрғонлик Рахмин Мататов ва самарқандлик Давид Калонтаров бор эди.

Рахмин ўз хотираларида Давид билим юртини тугатгандан сўнг, Ғарбий фронтда жанг қилганини, телеграф взводи бошқарганини айтади. 1944 йилда у асирга олинганлигини таъкидлаган. Дўстлари унга катта ёрдам кўрсатиб, бир неча Қуръон оятларини ўргатиб, немисларга уни мусулмон сифатида таништиришган. Шундай

қилиб, ватандош ўзбеклар ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, Давидни муқаррар ўлимдан қутқаришади.

Ўқишни тугатгандан сўнг, 200 нафар битирувчидан 150 нафари «кичик лейтенант» унвонига, яна 50 нафари «лейтенант» унвонига эга бўлади, уларнинг орасида Рахмин Мататов ҳам бор эди. 1943 йил апрель ойида ёш офицер Шимолий Кавказ фронтига «Кичик ер» учун шиддатли жанг олиб бораётган генерал-лейтенант Константин Леселидзенинг 18-армияси жанг қилаётган Новороссийск яқинидаги кўприк ҳудудига юборилади.

Бу кўприк ҳудудида лейтенант Мататов ўз радистлари билан биргаликда батальон командирини танк экипажлари билан ўзаро радиоалоқасини таъминлайди; радист-разведкачи сифатида душман фронт ортида танкчилар уюштирган энг хавфли жангларда қатнашган. Шиддатли жанглар давомида фашистлар совет қўшинларини Қора денгизга иргитиб, яксон қилишга интилишди; генерал Леселидзе армияси фашистларга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бу ернинг ҳимояси 225 кун давом этди. Ушбу шафқатсиз жанговар вазиятда ёш офицер Мататов ўз маҳоратини кўрсатди. У 1943 йил 16 сентябрда Новороссийск тўлиқ озод бўлгунга қадар «Кичик ер»да қолди. Сўнг 1-Украина фронтининг 237-ўқчи дивизияси 841-ўқчи полкининг радиовзводи командирлиги этиб тайинланади. Рахминнинг кейинги жанговар йўли босиб олинган Украина ҳудудида ўтади. Рахмин радистлари билан бирга Днепрни кечиб ўтиш, Киев, Житомир, Бердичев, Дроҳобич ва Борислав шахарларини озод этиш мобайнида ўзининг пиёда полки томонидан олиб борилган барча жанговар операцияларни барқарор радиоалоқа билан таъминлайди.


1944 йил август ойининг бошида 237-дивизия янги – 4-Украина fronti таркибига кирди ва Карпат тоғларига яқинлашади. Дивизия ўрмонли тоғлар-

қаттиқ яраланган бўлиб, унинг умуртқа поғонаси шикастланади, танасида (75 йилдан буён!) ҳали ҳам душман ўқи бор. Тузалганидан сўнг, 1945 йил февраль ойида Рахмин Мататов фронтга – ўз бўлинмасига қайтади ва урушнинг сўнгига қадар барча ҳарбий операцияларда фаол қатнашади.

Жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун катта лейтенант Рахмин Мататов «Қизил Юлдуз» ва «I даражали «Ватан уруши» орденлари, «Жасорат учун» ва «1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган Ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган. Прага ва Чехословакиянинг бошқа шахарларини немис босқинчиларидан озод қилишда қатнашгани учун Чехословакия Президенти генерал Людвиг Свобода ватандошимизга чехословакиянинг «Мардлиги учун» медалини топширган. Офицер Рахмин Мататов урушдан кейинги хизматини Шарқий Пруссиянинг Летцен шахрида, 1946 йилнинг январь ойидан Грузияда, Ахалкалаки шахрида 10-гвардия ўқчи дивизияси 24-гвардия ўқчи полкида давом эттиради. Фақат 1947 йилнинг июль ойида Рахмин бир вақтнинг ўзида иккита – «катта лейтенант» ҳарбий унвонини бериш ва захирага бўшатилиш ҳақида буйруқ олади. Кўп ўтмай, у Ғалаба билан ўз она шахри – Каттақўрғонга қайтади. У захирадаги офицерларни қайта тайёрлаш курсларини тугатгандан сўнг, урушдан бир неча йил ўтгач (1957 йилда), «капитан» унвонига эга бўлади.

1947 йилнинг декабрь ойида Рахмин ўз тақдирини самарқандлик Истам Алаева билан боғлайди ва у билан 68 йил бирга яшаб, 6 фарзандни тарбияладилар, 70 дан ортиқ неваралари, эваралари ва чеваралари бор. 1948 йилнинг ёзида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетининг сиртқи бўлимига, Механика-математика факультетида ўқишга киради ва 1953 йилда математика мутахассислиги бўйича дипломини ҳимоя қилади. У математика ўқитувчиси сифатида қатор мактабларда фаолият юритади. Шунингдек, мактаб катта инспектори, Каттақўрғон шахар халқ таълими бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Олиб борган фаолиятлари учун у «Фахрий белги» ордени (1966 йилда), икки марта Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг фахрий ёрлиғи ва «Меҳнат фахрийси» медаллари билан тақдирланган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида собиқ фронтчи Каттақўрғон шахридаги яҳудий қабристонини ободонлаштириш учун маблағ йиғишни ташкил қилган. Натижада қабристон қўриқчиси ва унинг оиласи учун уйга табиий газ, электр энергияси ва оқимли сув етказиб берилади. Шундан кейингина, ота-боболаримизнинг абадий тинчлигини ҳимоя қилиш учун бел боғлаган Рахмин ва унинг оиласи 1994 йил июль ойида Исроилга кўчиб кетиб, ҳозирги кунгача Рамла шахрида ис-



тикомат қилади. Исроилда ҳам Р. Мататов узоқ вақт қабристонни ободонлаштириш учун маблағ йиғишни бошқаришни давом эттиради. Унинг асосий ижтимоий фаолияти Исроил Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари иттифоқи – фашизмга қарши курашчилар билан боғлиқдир. Исроилга кўчиб келгандан сўнг, у шу Иттифоқ аъзолигига қабул қилинди ва тез орада Рамлин бўлими раисининг ўринбосари этиб сайланиб, 2003–2012 йилларда бу бўлимни бошқарган. 2007 йилда Исроил Бухоро – яҳудий жамоасининг фахрийлар ва уруш ноғиронлари иттифоқи тузилди. Бу Иттифоқни бошқариш Р. Мататовга

ишониб топширилган ва у бу ташкилотни бугунги кунгача муваффақиятли бошқариб келмоқда. 2010 йилда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 65 йиллигини нишонлаш мобайнида, Исроил Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари – фашизмга қарши курашчилар иттифоқининг тақдиротида кўра, Иттифоқнинг Рамлин бўлинмасини моҳирлик билан бошқаргани учун совет армиясининг захирадаги капитани Рахмин Мататовга «Йил одами» фахрий унвони тақдим этилган.

Рахмин Рибиевич Ўзбекистон ва Исроил уруш фахрийлари ташкилотларида кўп йиллар давомида фаолият юритиб, ўз сафдошларининг жасоратлари ва қаҳрамонликлари хотирасини абадийлаштириш учун кўп ишларни амалга оширишга муваффақ бўлган. Рахмин Мататов «Ҳаёт саҳифалари» (2002), «Инсонлар ва тақдирлар» (2007), «Ўзим ҳақимда хотира қолдириш» (2013), «Дўстлар ва ўртоқлар ҳақида» (2017 йил) номили тўртта хотира китобини ёзади ва нашр этади. Бу китобларда кекса фахрий ёш авлодга қирқдан зиёд уруш қатнашчиси – турли миллатдаги жангчиларнинг қаҳрамонликлари: урушнинг оловли йўлларини бирга босиб ўтган қуролдошлари, ўзи ўқиган ва фаолият юритган, турли йилларда таълим берган фронт орти меҳнаткашлари ҳақида хикоя қилади.

Рахмин Мататов Исроилда яшаган йиллари давомида доимий равишда каттақўрғонлик ватандошлари, айниқса, ўқитувчи ҳамкасблари билан ёзма ва телефон орқали алоқага чиқиб туради. 2003 йил сентябрь ойида рафиқаси Истам билан бир ой давомида ўз шахри – Каттақўрғонда дўстлариникида меҳмонда бўлишади. Ўзларининг собиқ уйларида 1950 йиллардаги ўқувчиси Эркатош опа Назарова хонадонидида қолишади. Шу бир ой давомида 30–40 йил олдин мактабни тугатган Р. Мататовнинг ҳамкасблари ва ўқувчилари билан кўп-кўп учрашувлар бўлиб ўтади.

Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида Рахмин Мататов хонадонига Ўзбекистон Республикасининг Исроилдаги консули жаноб Салахитдин Орибхўжаев, «Қаҳрамонлик ва хотира» китоби муаллифи Аркадий Калонтаров ва ёзувчи Аркадий Иноятов ташриф буюради. Бу учрашув чоғида Ўзбекистон консули каттақўрғонлик 100 ёшли ҳамюртимиздан ўзбек тилида ажойиб интервью олади. Ушбу интервью 9 май куни ўзбек телевидениесида намоиш этилади. Бу суҳбатда ҳамюртимиз ўтган йиллар, уруш сўқмоқларидан бирга ўтган ватандошлари ва қуролдош дўстларини хотирлайди. Суҳбат сўнггида доно оқсоқол Ўзбекистон халқи ва заминига ташаккур билдиради.

Полковник Мухторжон ШАКИРОВ, «Шон-шараф» давлат музейи директори. Шахиста МАКСУДОВА, «Ўзбекистон – Исроил» дўстлик жамияти директорининг ўринбосари



ни оғир жанглар билан босиб ўтишга мажбур бўлади. Тоғли ва ўрмонли ҳудудларнинг махсус шароитида радиоалоқа ўрнатиш бўйича тажриба орттириш учун лейтенант Мататов бир ой давомида ўз радистлари билан Карпат тоғларида машғулотлар ўтказади. Карпатни кесиб ўтгач, 237-ўқчи дивизияси ва унинг 841-полки Польша, Венгрия ва Чехословакияни озод этиш учун олиб борилган шиддатли жангларда қатнашади. 1944 йил 15 ноябрда Словакиянинг Кошице шахри учун кечган шиддатли жангларда лейтенант Рахмин Мататов мина парчаларидан

«ВАТАН ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ УНУТМАЙДИ!»

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида Жанубий оператив қўмондонлиги ва Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» шиори остида истиқлол йилларида юрт осойишталиги йўлида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хонадонидида бўлиб, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олмоқда. Энг улуг, энг азиз байрам билан табриклаб, совға-саломлар улашмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири 2000 йилда Сариосиё туманининг тоғли ҳудудларидаги жанговар ҳаракатларда қаҳрамонлик кўрсатган марҳум сержант Мухиддин Эштемиров хонадонидида бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вилоят бўлими, Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутасаддилари, нуруний отахон ва онахонлар, ёшлар иштирок этди.

Ватан учун мардларча жон фидо қилган жангининг кўрсатган қаҳрамонлиги вафотидан сўнг давлатимизнинг юксак мукофоти – «Жасорат» медали билан тақдирланди. Тинчлигимиз посбони улғайиб, вояга етган маҳаллага Мухиддин Эштемиров номи берилди. Мухиддин таълим олган мактабда унинг қаҳрамонлиги акс этган бурчак ташкил қилинган. Ҳарбий қисмларда қасамёдига содиқлиги ўз ифодасини тогган сурат ва лавҳалар ёш ҳарбийлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Мухиддин Эштемиров камолга етган хонадонда унинг ана шундай мардонавор ҳаракатлари эсга



олиниб, порлоқ хотираси ёд этилди. Онаси Манзура момо қаҳрамон ўғлининг болалик, ўспиринлик ва йигитлик давридаги ибратли ҳаёти ҳақида хикоя қилиб берди.

Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Илҳом Қамбаров Манзура момони мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, Мудофаа вазирлигининг 2 миллион сўм пул мукофотини, вилоят ҳокимлигининг совғаларини топширди.

Шу кун вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари ва Термиз шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган Боғишамол маҳалласида яшовчи II гуруҳ ногирони катта лейтенант Неъматулла Джўраев ҳолидан ҳам хабар олиб, ҳарбий пенсионерга озиқ-овқат маҳсулотлари ва қўлтиқтаёқ топширди.

III даражали сержант Акбар АХМЕДОВ
Термиз гарнизони

Uchrashuv

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ НАЗДИМДА

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли Навоий вилояти Кармана туманида жойлашган ҳарбий қисмда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида муқддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда мактаб ўқувчилари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Унда Кармана туманида жойлашган «Қалқон» жасорат ҳарбий мактабининг 25 нафар ўқувчиси иштирок этди.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшларга ҳарбий қисм ҳудуди бўйлаб саёҳат уюштирилиб, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида ёшларга тушунча бериб ўтилди.



Шундан сўнг панорамали ўқ отиш комплексида ёшлар билан ПМ, АК-74, РПК-74 қуролларидан отиш тайёргарлиги бўйича машғулоти олиб борилди.

Якунда ўқ отиш машғулотида яхши натижа кўрсатган ўқувчи-ёшлар диплом ва китоблар тўплами билан тақдирланди.

Капитан Ёдгорбек ДАВЛАТОВ

Sayyor qabul

25 ТА МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Самарқанд ҳарбий прокуратураси ва Самарқанд ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда ҳарбий пенсионерлар билан бевосита мулоқот ҳамда сайёр қабуллар ўтказилди.



Оммавий сайёр қабулда жами 55 нафар пенсионер ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Қабул жараёнида 25 та турли хил мазмундаги мурожаат қабул қилинди, шундан 5 та мурожаат жойида ҳал қилиниб, қаноатлантирилган бўлса, 12 та мурожаат бўйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида тушунтиришлар берилди ҳамда ўрганиш талаб этиладиган 8 та мурожаат ижроси назоратга олиниб, тегишли ваколатли муассасаларга йўналтирилди.

Адлия катта лейтенанти
Маъруфжон ПАРПИЕВ,
Самарқанд ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий билимларини ошириш билан бирга, «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

Тадбирлар нафақат ҳарбий қисм ва муассасаларда, балки музей, истироҳат боғлари каби жойларда ҳам ўтказилмоқда.

Жумладан, Тошкент ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ва улар оила аъзоларининг Тошкент шаҳрида жойлашган «Ғалаба боғи»га экскурсияси ташкиллаштирилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари экспозициялар билан танишишлари билан бирга, уларга мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўли, Янги Ўзбекистон даврида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари рўёбга чиқарилиши, яратилган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

Майор Гулчеҳра ТУРСУНОВА,
Республика Ҳарбий прокуратураси
бўлим бошлиғи

Psixologiya

ХАРАКТЕР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Япон олими Пошитаке миллионлаб кишиларнинг ҳаётини ўрганиш давомида уларнинг характери ўзига хос эканлигини аниқлайди. У бунинг гуруҳи бўйича аниқлашга муваффақ бўлди. Қуйида ўша маълумотни келтирамыз.

1-гуруҳ – лидерликка ўчсиз. Олдингизга қўйган мақсадга эришмагунча тинчимасиз. Олға ҳаракат қилишда тўғри йўналиш белгилай оласиз. Ўз кучингизга ишонасиз. Камчиликларингиз ҳам бор. Сиз ўта рашкчи ва шоҳқалоқсиз. Бундан ташқари, жуда иззатталабсиз. **Ижобий томонингиз:** ростгўй, жозибадор, келишган қадди-қоматли, кек сақламайдиган, кенг ва хур фикрлиси. **Салбий томонингиз:** қизғанчиқ, бетгачопар, ҳиссиз.

2-гуруҳ – осойишталик ва тартиб-интизомни яхши кўрасиз. Одамлар билан яхши ишлай оласиз. Бундан ташқари, таъсирчан, маданиятли ва очиққўнгилсиз. Камчилигингиз – ўжарлигингиз ва асабларингизни бошқара билмаганингиздир. **Ижобий томонингиз:** ишончли шерик, дўст, ҳар доим ҳамкор бўла оласиз. **Салбий томонингиз:** манман ва қизиққонсиз.

3-гуруҳ – ўз хоҳишингиз бўйича иш қиладиган инсонсиз, шахсиятпарастсиз. Ҳамма нарсага тез мослаша оласиз. Хаёлпарастликдан узоқсиз. Лекин ўзбошимча иш қилишингиз баъзан сизга панд бериши мумкин. **Ижобий томонингиз:** қизиқувчан, ижодий имкониятлари кенг, ҳайвонларни яхши кўрасиз. **Салбий томонингиз:** хотира сустлиги, масъулиятсиз, дангаса.

4-гуруҳ – тинч ва хотиржамсиз. Кишилар сизни севади ва сиз билан ўзларини эркин ҳис қилади. Уларнинг вақтларини чоғ қилишни биласиз ва бир вақтнинг ўзида атрофдагиларга одобли ва адолатлисиз. Лекин айрим вақтларда қизиққонсиз. Баъзан узоқ вақт иккиланиб, қарор қилишга қийналасиз. **Ижобий томонингиз:** вазмин, босиқ, соғлом фикрли, меҳрли инсонсиз. **Салбий томонингиз:** бепарво, қатъиятсиз, кек сақловчи, баъзида севгисига хиёнат қиладиганлардан бўлиб қоласиз.

Капитан Шухрат НАВРУЗОВ,
Мудофаа вазирлиги катта офицери

FIKR

Мамлакат ва миллат келажаги учун қайғураётган зиёлиларни ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданияти пасайиб кетганлиги қийнаб келади. Бизни баркамоллик сари етаклайдиган, инсонлар қалбига ёруғлик ва илиқлик олиб кирадиган, оқ билан қора, яхшилик билан ёмонлик, вайронкорлик билан бунёдкорликнинг фарқини онгли равишда англатишга ёрдам берадиган, инсоният томонидан яратилган энг ноёб кашфиёт – китобнинг қадри нега тушиб кетмоқда? Нима сабабдан айримлар китоб ўқийдиганларни замондан орқада қолаётганлар қаторига қўшиб қўймоқда? Бу саволлар барчамизни қийнайди.

Президентимиз томонидан ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани миллат келажаги, унинг маънавий баркамоллигини таъминлашдаги дадил қадам бўлди.

Биламизки илм, салоҳият, идрок миллатнинг мавжудлиги ва у нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи тушунчалар ҳисобланади. Арасту дан Абу Али ибн Синога, Афлотундан Абу Райҳон Бериунигача, Жалолитдин Румийдан Алишер Навоийгача, Амир Темурдан Муҳаммадшариф Гулханийгача юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шаклланиши, дунёга танилиши, замонлар ошса-да, аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб ва илм орқали юз берди. Уларнинг бугунги авлод томонидан чуқур ўрганилиши, илмий-маърифий бисотига бот-бот мурожаат қилишнинг сабаби ҳам мутафаккирларимиз томонидан яратилган китоблар туфайлидир.

Ҳақиқатан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, уни муқаддас билиб, кўз қорачиғидек асраганларни зиёли деб атаганлар. Бунга узоқ ва яқин тарихимиздан мисоллар кўп. Масалан, маърифатпарвар ватандошимиз Исроҳон Ибрат ўз уйида каттагина, кутубхона ташкил қилиб, уни «Кутубхонаи Исроҳия», деб атади. Ибрат архивидаги китоблар рўйхати шуни тасдиқлайдики, кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларида кўплаб китоблар бўлган. Бу кутубхонадан нафақат ўзи, балки қишлоқ аҳолиси ҳам унумли фойдаланган. Исроҳон Ибрат ўз мактаби ўқитувчиларини кутубхонада сақланувчи китоблар билан таъминлаган.

Кутубхонанинг мактаб ўқитувчиларига бағишланган қисмида Саидрасул Саидазизовнинг «Устои аввал», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Рустамбек Юсуфбек ҳожи ўғлининг «Раҳбари ҳисоб» каби кўплаб дарслик, ўқув қўлланмалари сақланган. Ибрат кутубхонаси доимий равишда катталашиб борган. У кутубхона аъзоларининг китоб олиш ва ўқиб бўлгач, уни топшириш дафтарларини ҳам ташкил қилган. Кутубхонага келиб-кетувчиларнинг айниқса, ёшларнинг китоб ўқишларини Исроҳоннинг ўзи назорат қилиб борган.

Бадиий адабиётда замонамиз қаҳрамонини топиш, унинг образини яратиш долзарб масалалардан биридир. Аммо шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай қаҳрамонлар биз билан бирга, орамизда, улар ҳар қуни жасорат кўрсатмоқдалар. Ангрен – Поп темир йўлида Фарҳоднинг жасоратини такрорлаган, чегарани мустаҳкамлашда мардлик кўрсатган, янги технологиялар асосида ишини юритаётган, жаҳон ареналарида мамлакат байроғини баланд кўтараётганлар – булар замонамиз қаҳрамонлари эмасми?

Халқимиз айнан мана шундай қаҳрамонлар ҳаётини ёритувчи, мардликни, жасоратни, фидойиликни улуғловчи китобларни кутмоқда. Айрим ватандошларимиз: «Ҳозирги ёшларга жиддий бадиий асарларни тавсия этган билан, улар бундай



китобларни ўқимадилар, чунки замон ўзгарган», дейишмоқда. Тўғри, замон ўзгарди. Аммо бизнинг ўзлигимиз ўзгаргани йўқ. Шундай пайтда ёшларимизнинг китобхонлик маданиятини ошириш, маънавий эҳтиёжини шакллантириш учун ниманидир тавсия этишни баъзан унутаятганга ўхшаймиз. Ёшлар маънавий эҳтиёжини шакллантириш учун уларга маънавий асарлар тавсия этишимиз лозим.

Китоб ўқиш барчамизнинг маънавий оламимизни бойитади, сўзлашув маданиятимизни оширади. Айрим ҳолларда ўзбек тилимиз айрим ватандошларимиз «хизмати» туфайли дағаллашиб, камбағаллашиб бораётганлигининг олдини олиш учун ҳам китоб ўқиш лозим. Ваҳоланки, бизнинг ўзбек тилимиз дунёдаги энг бой тиллар қаторига киради. Пушкин бутун ижоди давомида жами 21 197 та сўз қўллаган бўлса, Шекспир асарлари тилида жами 20 мингдан ортиқ сўз қўлланилган. Испан олимлари Сервантеснинг ижодида 18 минг сўз қўлланилгани ҳақида маълумот берганлар. Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзлар сони эса 26 000 дан ортиқ экан. Ана шунча миллий бойлигимизни авайлаб-асраш учун ҳам китоб ўқиш лозим.

Кичик сержант Фаррух АББАСОВ, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги

Oila gulshani

ОТА-ОНАГА ТИК БОҚМАНГ

Қиз болани ҳурмат қил, унинг номуси ва шарафини, инсоний ғурурини авайла. У сенинг бўлажак рафиқанг – болаларингнинг онаси.

У барҳаётлигининг гарови. У сени фарзандларинг қиёфасида яна қайта дунёга келтиради.

«Тафаккур гулшани» китобидан

Қиз бола – ота-онага меҳмон. Унинг яхши таълим-тарбия олиши келажакда келин бўлиб борадиган оилада ўрин ва бахт топишига замин бўлади. Аслида бахт ўз-ўзидан келмайди. У инсоннинг

хулқи, одоби, муомаласи ўлароқ яралади. Қуйидаги маслаҳатимиз ҳам бу борада келинларимизга асқатиши билан қимматлидир.

МИННАТДОРЧИЛИК ТУЙҒУСИ

Қайнона ва қайнотангизга меҳрли бўлинг. Ахир улар турмуш ўртоғингизни дунёга келтирган, уни вояга етказган, таълим-тарбия берган. Бугун эса ота-онасининг ишонган тоғи, кўзининг оқу қораси бўлган йигит сизнинг ёрингиз! Ҳаётингиз шундай келишган, мулоҳазали, оғир-босиқ инсон билан боғлангани учун тақдирингиздан миннатдор бўлинг. Кўнглингиздан шундай ёқимли ўй ўтаётганида қайнона-қайнотангизни ҳам ёдга олиш, улардан ҳам миннатдор бўлиш ёдингиздан чиқмасин.

ҲУРМАТ ТУЙҒУСИ

Улар билан доим хушмуомала бўлинг. Унутманг, улар сизда йўқ ҳаёт тажрибасига эга инсонлар саналади. Қайнона-қайнотани ҳурмат қилиш – келажакда оилада юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш кафолатидир.

МЕҲР-МУҲАББАТЛИ БЎЛИШ

Уларни ўз ота-онангиздек суйинг. Сохта, юзаки муомалани улар сезишади. Уларга меҳр-муҳаббатли бўлсангиз, орада тушунмовчиликлар юзага келмайди. Яхши кўрган инсонингиздан хафа бўласизми? Йўқ, албатта. Демак, қайнона-қайнотангизни ҳам ўз ота-онангиздек севсангиз, улардан ҳеч қачон хафа бўлмасиз, уларни ҳар доим тушунишга ҳаракат қиласиз.

Унутманг, сизнинг ота-онага бўлган муносабатингиз келгусида фарзандларингизга ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Агар эр-хотин турмуш ўртоғининг ота-онаси билан ўзаро муносабатлари уйғун бўлса, бу ҳақиқатан ҳам жуфтлик ўртасидаги муносабатларнинг фаровонлигига катта ёрдам беради. Мен ўз тажриба ва ўрганишларим натижасида яхши эр ва хотиннинг хислатларини ажратиб чиқдим.

Яхши эрнинг хислатлари:	Яхши хотиннинг хислатлари:
турмуш ўртоғининг ота-онасига доим ҳурмат кўрсатади;	қайнона-қайнотасининг берган маслаҳат ва танбеҳларини тўғри қабул қилади;
муносабатларда хушмуомала бўлади;	уларнинг хизматини бажонидил қилади;
ҳар қандай, ҳатто энг ёқимсиз вазиятларда ҳам уларга нисбатан фикрини ўзгартирмайди.	ростгўйлик, камтарлик ва меҳнатсеварликни қадрлайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, оилада бахт топиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Бунинг учун фақат чиройли муомала, гўзал хулқ ва одоб бўлса кифоя. Оиласи тақдирига бефарқ бўлмаган келинларимиз буни, албатта, уддалайдилар.

Зулфия МАНСУРОВА, Мудофаа вазирлиги бўлим бош мутахассиси



XVI ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ

24 август куни Япония пойтахти Токио шаҳрида XVI ёзги Паралимпия ўйинлари бошланди ва сайёрамизнинг турли ҳудудларидан борган 5 мингга яқин параатлет 540 та медаль тўплами учун кураш олиб бормоқда. Бу гал 8 та спорт тури бўйича рақобатга киришган ўзбекистонлик паралимпиячилар сафида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари ҳам бор.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда паралимпия ҳаракатининг янада оммавийлашуви, атлетларимизнинг йирик мусобақаларда юксак натижалар қайд этиши учун муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарор асосида Ўзбекистон паралимпия қўмитаси паралимпия ҳаракатини юртимизда янада оммалаштириш борасида самарали ишларни олиб борди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида Паралимпия факультети очилиши, юртимизда бир қатор болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилиши, Олимпия захиралари коллежларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган инсонларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилганлиги, Паралимпия спорт турлари географиясини янада кенгайтириш юзасидан амалга оширилган ва давом эттирилаётган ишлар эндиликда ўз самарасини бермоқда. Ушбу сайё-ҳаракатлар натижасида паралимпиячиларимиз нуфузли мусобақаларда – Паралимпия ва Параолимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ажойиб ғалабаларга эришмоқда. Параатлетларимиз томонидан «Токио – 2020» ёзги Паралимпия ўйинларига аввалгиларига нисбатан кўпроқ йўлланмалар қўлга киритилгани ва ўзбекистонлик паралимпиячилар тўрт йилликнинг йирик мусобақасида бу гал 8 та спорт тури бўйича рақобатга киришгани ҳам юқори натижа. Хусусан, Рио-де-Жанейрода ўтган Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 5 та спорт тури – парасузиш, парадзюдо, парангил атлетика, парапауэрлифтинг ва параўқотиш бўйича беллашувларда иштирок этганди. Бу гал параатлетларимиз томонидан Ўзбекистон

тон тарихида илк бор параканоз, паратаэквондо ҳамда параакадемик эштак эшиш спорт турлари бўйича йўлланмалар қўлга киритилди. Қўмита томонидан 2024 йили Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларида 5х5 футбол, стол тенниси, велоспорт, от спорти, қиличбозлик ҳамда триатлон спорт турлари бўйича йўлланмаларни қўлга киритиш каби муҳим вазифалар белгиландики, буларнинг барчаси келгусида юртимизда паралимпия спорт турлари янада оммавийлашиши ва ривожланишидан далолат беради.

Ўзбекистон спорт делегацияси XVI ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун 20 август куни кунчиқар юртга жўнаб кетган эди. Вакилларимиз Японияга етиб боргач, Паралимпия ўйинлари иштирокчилари учун махсус барпо қилинган Олимпия қишлоғига жойлашишди ва шу куннинг ўзида бу ерда Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

24 август куни Токиодаги «Олимпия» стадионида XVI ёзги Паралимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда 162 давлатнинг матонат ва ирода тимсоли бўлган параспортчилари «Бизнинг қанотларимиз бор» шиори остида ўз мамлакатлари байроғини олимп стадиони узра олиб ўтишди. Ватанимиз байроғини Токио майдонида баланд тутиб, Ўзбекистон номини улўғлаш бахтига параканоз бўйича жаҳон чемпиони Шаҳноза Мирзаева ҳамда парангил атлет Мухаммад Рихсимова мунассар бўлишди.

XVI ёзги Паралимпия ўйинларида ҳамюртларимиз 8 та спорт тури бўйича 55 та медаль жамланмаси учун кураш олиб боришади. Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилувчилар сафида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари ҳам бор. Хусусан, мутахассислар MVSM парангил атлетикачилари Темурбек Гиязов (найза улоқтириш), Бекжон Чеваров (узунликка сакраш), Дониёр Салиев (узунликка сакраш) ва Иззат Турғуновни (узунликка сакраш) медаллар учун кураш олиб боровчи асосий номзодлар сифатида эътироф этишмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон терма жамоаси сафидаги MVSM парадзюдочилари Феруз Сайидов (-73 кг), Шухрат Бобоев (-90 кг) ҳамда MVSM парапауэрлифтингчилари Роза Қўзиева ва Нуриддин Давлатов ҳам XVI ёзги Паралимпия ўйинларида совриндорлар сафидан жой олиши кутилмоқда.

«Токио – 2020» ёзги Паралимпия ўйинларининг дастлабки кунидеъ вакилларимиз муваффақият қозонишди. Терма жамоамиз аъзоси Ислон Асланов 100 метрга баттерфляй усулида парасузиш баҳсларида қатнашди ва финал дастурида 57.12 сония натижа қайд этиб, бронза медалга сазовор бўлди.



Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда паралимпия ҳаракатининг янада оммавийлашуви, атлетларимизнинг йирик мусобақаларда юксак натижалар қайд этиши учун муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарор асосида Ўзбекистон паралимпия қўмитаси паралимпия ҳаракатини юртимизда янада оммалаштириш борасида самарали ишларни олиб борди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида Паралимпия факультети очилиши, юртимизда бир қатор болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилиши, Олимпия захиралари коллежларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган инсонларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилганлиги, Паралимпия спорт турлари географиясини янада кенгайтириш юзасидан амалга оширилган ва давом эттирилаётган ишлар эндиликда ўз самарасини бермоқда. Ушбу сайё-ҳаракатлар натижасида паралимпиячиларимиз нуфузли мусобақаларда – Паралимпия ва Параолимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ажойиб ғалабаларга эришмоқда. Параатлетларимиз томонидан «Токио – 2020» ёзги Паралимпия ўйинларига аввалгиларига нисбатан кўпроқ йўлланмалар қўлга киритилгани ва ўзбекистонлик паралимпиячилар тўрт йилликнинг йирик мусобақасида бу гал 8 та спорт тури бўйича рақобатга киришгани ҳам юқори натижа. Хусусан, Рио-де-Жанейрода ўтган Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 5 та спорт тури – парасузиш, парадзюдо, парангил атлетика, парапауэрлифтинг ва параўқотиш бўйича беллашувларда иштирок этганди. Бу гал параатлетларимиз томонидан Ўзбекистон

ШОҲСУПА

(хабарлар)

БОКС



Юртимиз чарм қўлқоп усталарини, хусусан, Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) боксчиларини жорий йил жиддий синовлар кутмоқда. Жумладан, ўсмир ва ёшларимиз айна кунларда БААда ўтказилаётган Осиё чемпионатида қатнашаётган бўлса, 16-26 сентябрь кунлари Москва шаҳрида ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпионати, ноябрь ойида Сербияда эркалар ўртасида жаҳон чемпионати, декабрь ойида Хитойда катталар ўртасида «Улкан тож» турнири ўтказилади. Дастлабки синов боксчиларимиз учун муваффақиятли бўлди – Грозний шаҳрида Аҳмад Ҳожи Қодиров хотирасига бағишланган анъанавий турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 6 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқди. Боксчиларимиз Умид Жўраев (-56 кг), Саиджамшид Жафаров (-75 кг) ва Одилжон Аслонов (-81 кг) олтин медални қўлга киритган бўлса, Темур Саидов ўз вазн тоифасида кумуш, Шукуржон Раҳимов ва Амиршоҳ Самадов бронза медалга эгалик қилди.

САМБО



Санкт-Петербург шаҳрида 20 дан ортиқ давлатнинг 100 нафарга яқин кучли спортчиси иштирокида Халқаро самбо федерацияси (FIAS) президенти кубоги учун мусобақа ўтказилди. Унда мамлакатимиз самбочилари 4 та кумуш медалга мушарраф бўлиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Ўзбекистон байроғи 4 марта кўтарилган, мукофот жамғармаси 189 минг АҚШ долларида иборат бўлган FIAS президенти кубоги турнирида самбочиларимиздан Ҳомиджон Мўминов (-64 кг), Сарбон Эрназаров (-71 кг), Улуғбек Раҳмонов (-79 кг) ва Ихтиёр Эшмуродов (-88 кг) шоҳсупага кўтарилди.

СПОРТ КУРАШЛАРИ



Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг 55 давлатидан 1 500 нафарга яқин ёшлар қатнашиб, 30 та вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқишди. Юнон-рум кураши беллашувларида ҳамюртимиз Алимардон Абдуллаев (-55 кг) финалгача муваффақиятли етиб борди. У қирғизистонлик Холжигит Акиятқатни 5:1, руминиялик Денис Фиоринни 8:0, ярим финалда тожикистонлик Асламжон Азизовни 8:3 ҳисобида мағлуб этди. Жаҳон чемпионлиги учун курашда эронлик Амир Ризо Дехбозоргига имкониятни бой бериб, кумуш медал билан тақдирланди. Эркин курашчиларимизнинг эса омади чопмади.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС



Дубай шаҳрида бўлиб ўтган профессионал бокс оқшомида ҳамюртимиз Хуршид Тожибаев (-59,8 кг) грузиялик Ачио Одиқадзега қарши рингга чиқди ва ўз фаолиятидаги бешинчи (3 та нокаут билан) ғалабасига эришди. 8 раунд этиб белгиланган жанг муддатидан олдин, яъни Тожибаевнинг 5-раундда техник нокаут эвазига ғалаба қозониши билан якунига етди.

ФУТБОЛ



Римнинг «Рома» клубига ўтган футболчимиз Элдор Шомуродов фаолиятини голлар билан бошлади. «Бетис» ва «Ража Касабланка» жамоаларига қарши кечган ўртоқлик учрашувларининг ҳар иккисидида ҳам ҳужумчимиз ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Италия «А» сериясининг илк турида эса «Рома» ўз майдонида «Фиорентина» клубини қабул қилди ва 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Захирадан ўйинга қўшилган Шомуродовнинг голли узатмасидан сўнг Верету тўпни дарвозага аниқ йўллаб, жамоасининг учинчи голини киритди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»



YOSHLAR – KELAJAGIMIZ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмда Олот тумани Ёшлар иттифоқи кенгаши ва ҳарбий қисм билан ҳамкорликда «Мард, жасур ва садоқатли ватанпарварларни тарбиялаш мактаб оstonасидан бошланади!» шиори остида очик эшиклар куни ташкил этилди.



Ёшлар ҳарбий қисм саф майдони, электрон кутубхона, Амир Темури ва Жалолиддин Мангуберди ўқув синфлари, шунингдек, ҳарбий топография, ўқ отиш тренажёр синф хоналари билан таништирилди. Шунингдек, ўқотар қурол-аслаҳалар кўргазмаси ўтказилди. Тадбир концерт дастури билан якунланди.

– Бундай мулоқотлар орқали Ватанни ҳимоя қилиш нақадар машаққатли ва шарафли касб эканини чуқур англаб бораёмиз, – дейди ўқувчи Фарҳод Олтибоев. – Бугунги учрашувда ҳарбий акаларимизнинг дала шароитидаги машғулотларини кузатиш учун бизга имкон яратиш таклифини ўртага ташладим. Ташаббусим қўллаб-қувватланиб, навбатдаги машғулотларда ёшлар ҳам иштирок этади, дейишди. Бундан жуда хурсанд бўлдик.

Якунда капитан Аҳрор Баҳодиров ва III даражали сержант Алижон Қўчқоров сўзга чиқиб, йиғилганларга кейинги ўқиш ва ишларида омадлар тилаб, меҳмонларни юқори кайфиятда ўз манзилларига кузатиб қўйишди.

Мирзоҳид ОЛТИБОЕВ

Konferensiya

Muloqot

ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Мустақиллик – энг олий неъмат» шиори остида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар, ёзувчилар, профессор ўқитувчилар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этди.



Муаллиф суратга олган

– Илмий-амалий конференцияда нафақат Ўзбекистоннинг 30 йил давомида эришган ютуқлари муҳокама этилди, балки ҳали ҳам ечимини кутаётган муаммолар хусусида сўз борди, – дейди ўқитувчи Мафтуна Исмолова. – Биз қайси ислохотларни тўғри амалга оширдик, қайсилари биз кутган натижаларни бермади, нималарга совуққонлик билан ёндашдик, бундан кейинги амалга ошириладиган ислохотларнинг тағ замирида халқнинг эркин ва фаровон яшаши, мамлакат мустақиллигининг барқарор бўлиши учун яна нималарни амалга оширишимиз кераклиги ҳақида таҳлилий маърузалар тингланди. Берилган фикр-мулоҳазалар тўплам шаклида нашр этилади ва келажакда ўз ечимини кутаётган муаммолар учун дастур бўлиб хизмат қилади.

Анжуманда ютуқ ва камчиликлар тадбир иштирокчилари томонидан танқидий ҳамда таҳлилий муҳокама қилинди. Йиғилган маърузалар тўплам шаклида нашр этилиши кўпчилик томонидан ижобий кутиб олинди.

Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

АДИБЛАР ВА АСКАРЛАР УЧРАШУВИ

Унда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театри актёр ва актрисалари, ёзувчи, шоирлар ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари иштирок этди. Меҳмонлар муддатли ҳарбий хизматчиларга сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида мисоллар билан сўзлаб беришди. Тадбир давомида



Муаллиф суратга олган

иштирокчилар томонидан Ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилиб, шеърлар ўқилди. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг меҳмонларга бераётган саволларидан ҳам би-лиш мумкинки, бўлиб ўтган давра суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

JANGOVAR ISHLANMALAR

МАХСУС АВИАЦИЯ БОМБАЛАРИ



Сир эмаски, дунёнинг кўплаб давлатларида ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган яшрин ҳарбий объектлар (қўмондонлик-бошқарув марказлари, жанговар техника ва ўқ-дори омборлари, илмий-тадқиқотчилик ишлари олиб бориладиган махсус лабораториялар ва ҳ.к.) мавжуд бўлиб, уларни оддий авиация бомбалари билан яқсон қилишнинг деярли имкони йўқ. Асосан ер остида жойлашганлиги сабабли, уларни аниқлаш ва йўқ қилиш жуда қийин вазифа ҳисобланади. Бундай типдаги нишон-объектларга зарба бериш учун ёриб кирувчи авиация бомбалари (бошқача номланиши – бетонтешир бомбалар)дан фойдаланилади. Бундай бомбалар чуқур ер остига ёриб кириб бориш ёки портлатунига қадар бир қанча темир-бетон тўсиқларни енгиб ўтишга қодирлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда бу борада фаол иш олиб бораётган бир қатор ривожланган хориж давлатлари мутахассислари шу турдаги мавжуд бомбаларни янада такомиллаштириш, шунингдек, янги бомбаларни яратишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бундай типдаги қуролларни яратиш ишлари, айниқса, АҚШ, Исроил ва Туркияда фаол олиб борилмоқда. Қуйида сиз айнан шу мамлакатларда ишлаб чиқилган ва яхши ҳимояланган ерости объектларини яқсон қилишга мўлжалланган бир қатор ана шу типдаги бомбалар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия, Дания, Бельгия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари ва бир қатор бошқа мамлакатлар Қуролли Кучларига қарашли қуроллар таркибидан жой олган BLU-109/B типдаги авиация бомбаси 1990 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилган. Унинг узунлиги 2,503 м, корпус диаметри 0,368 м, оғирлиги

883-907 кг, бетон (тупроқ)ни ёриб кириш чуқурлиги 1,8-2,5 м. Мазкур бомбани яратишда тротил (80 фоиз) ҳамда алюминий талқони (20 фоиз) аралашмасидан таркиб топган «три-тоннал» (оғирлиги 243 кг) типдаги портловчи модда (ПМ)дан фойдаланилган. Денгиз авиациясида эса зарба ва қизишга камроқ таъсирчан бўлган RBХН-109 типдаги ПМ билан (238 кг) таъминланган BLU-109A/B модификациясидан фойдаланилади. Шунингдек, бомбанинг АFX-757 типдаги ПМга эга бўлган BLU-109C/B модели ҳам мавжуд. Ўт пишиқ пўлатдан ишланган бомба корпуси деворчаларининг қалинлиги 25,4 мм.ни ташкил этади. Уни портлатиш учун турли модификациядаги FMU-143/B русумли портлатгичдан фойдаланилади. BLU-109/B типдаги авиабомба GBU-10, GBU-15, GBU-24, GBU-27, GBU-31 русумли бошқарилувчи авиация бомбалари ва AGM-130 типдаги бошқарилувчи авиация ракетасининг жанговар қисми сифатида қўлланади. GBU-31га қанот комплекти ўрнатилганда унинг парвоз масофаси 12 км баландликдан ташланган ҳолатда 75 км.гача етиши мумкин.

2020 молия йилида АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) шу типдаги бомбадан 4 230 та харид қилган ва бунинг учун 146,6 млн доллар сарфланган. Жорий йилда эса яна 2 000 та бомба харид қилиш (69,5 млн доллар) режалаштирилган.

BLU-118/B типдаги авиабомба BLU-109/Bнинг модификацияланган варианты бўлиб, у 2001 йилда қуроллар таркибига киритилган. Унда портловчи модда сифатида RBХН-109дан (оғирлиги 254 кг) фойдаланилган бўлиб, юқори даражадаги ортиқча босим унинг асосий яқсон қилувчи омилли ҳисобланади. Портлаш натижасида ҳосил бўладиган юқори босим осколкали ўқ-дорилар кира олмай-диган зоналарга бемалол тарқалган

равишда душманнинг жонли кучларини самарали йўқ қилади. Бомбанинг жанговар қисмини портлатиш учун FMU-143J/B типдаги портлатгич қўлланади.

BLU-137/B типдаги авиабомба нисбатан янги модель бўлиб, у 2018 йилда қуроллар таркибига киритилган. Мазкур бомба янада яхшиланган яқсон қилувчи тавсифларга эга. Ўтган молия йилида АҚШ ҲҲК томонидан шу типдаги 1000 та бомба (32,3 млн доллар) харид қилинган, жорий йилда эса яна 1000 та харид қилиниши режалаштирилган.

АҚШ Ҳарбий денгиз кучлари авиацияси учун Mk83 типдаги (калибри 1000 фунт) осколка-фугасли бомба асосида ишлаб чиқилган BLU-110/B типдаги авиабомбанинг узунлиги 1,85 м, корпус диаметри 0,356 м, оғирлиги 450 кг, бетон (тупроқ)ни ёриб кириш чуқурлиги 1,8-2,5 м.ни ташкил этади. Унда оғирлиги 190 кг бўлган RBХН-109 типдаги ПМдан фойдаланилган. Мазкур авиабомба GBU-16 ва GBU-32 русумли бошқарилувчи авиация бомбаларида жанговар қисм сифатида қўлланади.

GBU-57A/B MOP типдаги бошқарилувчи авиация бомбаси (БАБ) 2004 йилда ишлаб чиқилган. Бир неча йиллик (2008–2010 й.) муваффақиятли синов парвозларидан 2012 йилда АҚШ ҲҲК қуроллари таркибига киритилган. Катта чуқурликларда жойлашган мустаҳкам бункерлар ва ерости тоннеларини яқсон қилиш учун мўлжалланган мазкур бомбада жанговар қисм сифатида BLU-127/B типдаги бомбадан фойдаланилган. БАБ «Навстар» космик радионавигация тизими асосидаги навигация комплекти, хочсимон қанот ва панжарасимон шаклдаги орқа томон руллари билан жиҳозланган. Бомба корпуси легирилган махсус пўлатдан ишланган. Олдинги моделлар билан таққослаганда, GBU-57A/Bнинг ёриб

кириш қобилияти деярли 10 баробарга – 60 метргача ошган. Жанговар қисм портлаган ҳолатда диаметри 30-35 метрли доирада вайроналар юзага келади. Асосий техник-тактик тавсифлари қуйидагича: узунлиги 6,227-6,317 м, диаметри 0,8 м, қанот кўлами 1,5-1,7 м, жанговар қисм тип – фугасли, жанговар қисм оғирлиги 12 521-13 620 кг, портловчи модда оғирлиги 2 600-2 700 кг. Ҳозирда мазкур бомбани янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

MPR-500 типдаги авиабомба 2012 йилнинг февраль ойида Исроил ҲҲКга қарашли қуроллар таркибига киритилган. Калибри 500 фунт (227 кг)лни ташкил этувчи мазкур бомба қалинлиги 1 м.гача бўлган бетон тўсиқларни вайрон қилиш ёки ҳар бирининг қалинлиги 200 мм.гача бўлган 4 тагача бетон тўсиқларни тешиб ўтишга қодир (нишон билан учрашиш бурчаги 80°, тезлиги 330 м/с). Бомба портлаган ҳолатда очик жойда 26 минггача осколка ҳосил бўлади ва улар 60-100 метр масофадаги нишонларга шикаст етказилади.

Туркия ҲҲК тасарруфидаги NEB русумли авиабомба 2016 йил бошида ишлаб чиқарилган ва қўшин қуроллари таркибига киритилган. Ўзининг геометрик ўлчамлари, интерфейс тизимлари, оғирлиги ва бошқа тавсифлари бўйича у АҚШда ишлаб чиқарилган Mk-84 типдаги бомбага ўхшаш. Бомба икки қисмдан, яъни таркибида RBХН-110 типдаги портловчи модда бўлган бирламчи кумулятив заряд ҳамда RBХН-109 типдаги ПМ билан таъминланган кичикроқ калибрдаги бомбадан ташкил топган. Иккинчи жанговар қисмининг портлаши бирламчи заряд ишга тушганидан сўнг тахминан 1 сониядан кейин амалга ошади. F-4E/2020 типдаги қирувчи-бомбардимончи самолёт бу типдаги бомбаларнинг асосий ташувчиси ҳисобланади.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

СТРАТЕГИК МАШҚЛАР ЎТКАЗИЛАДИ



Жорий йилнинг 10-19 сентябрь кунлари Россия ва Беларусь ҳудудида «Ғарб-2021» стратегик машқлари ўтказилади. Унда ҳар икки мамлакат Қуролли Кучларининг 200 мингга яқин ҳарбий хизматчилари иштирок этади. Россия мудофаа вазирлиги вакили генерал-майор Евгений Ильиннинг маълум қилишича, машқларга 80 га яқин самолёт ва вертолёт, 760 та зирхли ҳарбий техника, шу жумладан, 290 та танк, 240 та бараварига ўт очувчи реактив тизимлар ва миномётлар, 15 тагача кема жалб этилади.

ЯНА КОРОНАВИРУС ҲАҚИДА



Worldometers.info сайти маълумотларига кўра, шу кунгача дунё бўйича коронавирус юктириш билан боғлиқ ҳолатлар сони 211,7 миллиондан ошган, 4,4 миллиондан ортиқ бемор вафот этган. Ҳозиргача дунё мамлакатларида коронавирусга қарши 4 млрд 910 млн доза вакцина қўллланган. Эмлаш борасида Хитой етакчилик қилмоқда – 1 млрд 920 млн доза. Кейинги ўринларда Ҳиндистон (576 млн 117 минг), АҚШ (360 млн 630 минг), Бразилия (173 млн 650 минг) ва Япония (115 млн 740 минг) жойлашган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ПАРЛАМЕНТ РУХСАТ БЕРДИ



Бутунхитой халқ кенгаши конгресси (парламент) «Аҳолининг кўпайиши ва туғилишни режалаштириш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритди ва хитойлик оилаларга учтагача фарзанд кўришга қонуний рухсат берди. Аҳоли таркибида қариялар улүшининг ортиб бораётганлиги учун ҳукумат фарзанд кўришга қўйилган чекловларни юмшатишга қарор қилган. Маълумот учун, 2020 йил охирида ХХР аҳолиси 1,41 млрд кишини ташкил этдган, 60 ёшдан ошган фуқаролар улүши эса 18,7 фоизга етган.

MUSTAQILLIKNING 30 YILLIGIGA BAG'ISHLANADI

САРҲАДЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Сўнгги йилларда миллий Сармиямиз қудратини янада мустаҳкамлаш, қўшинлар жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя, ҳарбий хизматчиларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, шахсий таркибни ҳар томонлама қулай, барча зарур шарт-шароитларга эга маиший ва хизмат бинолари, шунингдек, кўркем, шинам ҳамда замон талабларига жавоб берадиган кўп қаватли хизмат уйлари билан таъминлаш мақсадида кенг кўламли қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Ана шундай ислохотлар эпкинини, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари рўёбини Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллик шодиёнаси арафасида Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ҳарбий қисмлар шахсий таркиби учун фойдаланишга топширилган чегарани кўриқлаш взводи мажмуалари ҳамда кўп қаватли хизмат хонадонлари сарҳадларимиз дахлсизлигини туну кун, сувда ва қуруқликда ҳимоя қилиб, тинчлигимизни асрашдек шарафли касбни сидқидилдан бажариб келаётган чегарачи ўғлонлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун муносиб туҳфа бўлди.

Миллий армиямизнинг жанговар қудрати, салоҳияти, буюк аجدодларимизнинг жасоратидан сўзловчи кўргазмали воситалар билан жиҳозланган биноларнинг ҳам ташқи, ҳам ички кўриниши орқали Қуролли Кучларимиз тарихи ва сарҳадларимиз посбонларининг жанговар-хизмат фаолиятига оид кўплаб маълумотларга эга бўласиз.

Олиб борилган кенг кўламли қурилиш ишлари натижасида, взводларда ҳарбий хизматчилар учун барча қулайликларга эга хизмат хоналари, инновацион технологиялар билан жиҳозланган маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарлик машғулотлари хоналари, ҳарб иши тарихидан сўзловчи Амир Темур ҳамда Жалолiddин Мангу-

берди синфлари, минглаб адабиётлар ва электрон китоблар билан бойитилган кутубхоналар, спорт мажмуалари, автосаройлар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, кенг ва шинам ётоқхоналар, тиббиёт пунктлари ва ошхоналар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Маълумки, давлатимиз чегараларини кўриқлашда инсон омили билан бир қаторда, хизмат ҳайвонларидан ҳам кенг фойдаланилади. Уларнинг кўмагида кўплаб чегара бузғунчилари қўлга олинди, товар-моддий бойликлар ушлаб қолинади.

Шу боис янги биноларни қуриш жараёнида чегарачиларнинг содиқ дўстлари бўлмиш хизмат ҳайвонлари учун ҳам янги питомник ва отхоналар барпо этилди.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам юрт ҳимоячиларининг дастурхонини сархил сабзавот ва полиз экинлари билан таъминлаш мақсадида взводларда иссиқхоналар ташкил этилиб, кўчатлар ўтказилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари суртилган беш муҳим ташаббус доирасида чегарани кўриқлаш взводлари ҳамда уларга ёндош ҳудудларда фойдаланишга топширилган тикув цехлари ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари ва ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Оиласи тинч бўлган ҳарбий хизматчи ўз олдига қўйилган ҳар қандай жанговар вазифани шижоат билан, янада аниқ, сифатли ва тўла-тўқис бажаришига шубҳа йўқ. Зеро, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш – бу ижтимоий-иқтисодий, маданий, тиббий ва бошқа соҳаларда ҳарбий оила вакиллариининг ўз қобилиятларини ривожлантириш ва намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Айни шу маънода взводларда замон талаблари асосида моддий-техник базаси керакли анжомлар билан жиҳозланган мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилиб, ушбу масканлар ҳам кўплаб ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоқларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Юзлаб бахтли оилаларни ўз бағрига олган кўп қаватли янги хизмат хонадонларида эса юрт ўғлонлари ва уларнинг оила аъзолари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, болалар ётоқхонаси ва у ерда эртаминг эгаларининг яхши таълим олиши учун яратилган қулайликлар ҳамда уй бекаларининг сеvimли маскани бўлмиш ошхонанинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда жиҳозлангани кўзни қувонтиради.

– Президентимиз, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарияти ҳамда Чегара қўшинлари қўмондонлиги томонидан ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасида бизнинг оиламизга ҳам кўркем, шинам, чиройли янги хонадон калитлари топширилди. Бундан бениҳоя шодмиз. Барчага чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман ва турмуш ўртоғимга ҳамиша тиргак бўлиб, оиласидан беҳавотир ҳолда хизматини олиб бориши учун астойдил ҳаракат қиламан, – дейди кичик сержант Илҳом Исомиддиновнинг турмуш ўртоғи Нилуфар Назирова.

Бу каби шароитлар сарҳадларимиз ҳимоячиларининг кучига куч, қудратига қудрат қўшиб, янги-янги зафарлар сари ундашига ва топширилган хонадонларда ҳақиқий ватанпарвар, фидойи, Янги Ўзбекистоннинг янги авлодлари бекаму кўст камол топишига ишонамиз.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
ДХХ Чегара қўшинлари**



ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва иштирокчиларини тақдирлаш маросимида иштирок этди. Мамлакат раҳбари Олимпиада совриндорлари – Айсулу Тинибекова (*кумуш медаль*), Акжол Маҳмудов (*кумуш*) ва Мээрим Жуманазаровага (*бронза*) II ва III даражали «Манас» ордени, пул мукофотлари ва автомашиналар топширди. Мусобақада иштирок этган бошқа спортчилар ва мураббийлар пул мукофотлари билан тақдирланди.

ҚЎШМА ТАКТИК МАШҚЛАР



Тожикистоннинг Вахдат шаҳри яқинидаги Рамит тоғ даразида маҳаллий Ички ишлар вазирлиги ва Хитойнинг Жамоат хавфсизлиги вазирлиги махсус бўлинмаларининг қўшма тактик машқлари ўтказилди. Унда асосий эътибор тоғ шароитларида террорчиларга қарши кураш кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилди. Тўрт кун давом этган машқлар давомида энг янги қуроллар, узоқ масофага отувчи тўплар билан жиҳозланган танклар, артиллерия, авиация ва учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ИҚТИСОДИЁТ ТИКЛАНИБ БОРМОҚДА



Қозоғистон Президентининг инқирозга қарши ташаббуслари туфайли мамлакат иқтисодиёти тикланишда давом этмоқда ва шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида 2,7 фоизга ошди. Жорий йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,7 фоиз бўлган ҳолда инқироздан олдинги даражага қайтиши кутилмоқда, деди мамлакат Миллий банки раиси Ерболат Досаев. Унинг сўзларига кўра, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда ижобий ўзгаришларга эришиш имконини берган.

Мустақиллик байрами муборак!

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Яншир таҳар ўқув-спорт техника клуби жамоаси сиз, азиз юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан қутлайди.

Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги самарали ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади!

Энг улуғ, энг азиз айём қутлуғ бўлсин!

30

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Ховос тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллик айёми билан табриклайди.

BOLA



JOY



QUYOSH bilan SHAMOL



Bir kuni sovuq shamol quyosh bilan bahslashib qolibdi. Shamol quyoshga:

– Men istagan zahotim hamma joyni ostin-ustun qilib tashlayman. Barcha narsalar qoʻrquvdan titrab-qaqshaydi, – debdi. Shunda daraxt bu kibri shamolga qarab:

– Sen esganingda faqat biz egilamiz, boshqa birovga

gʻazabing kor qilmaydi, – debdi. Bulutlar ham qahri qattiq shamoldan oʻkinib:

– Sen esib, bizlarni har tomonga haydab yuborasan, – deyishibdi. Bu suhbatni eshitib qolgan dengiz qahri qattiq shamolga:

– Sen esganingda men ham toʻlqinlanaman, shovullayman. Biroq qoʻlingdan shundan boshqa nima keladi? – debdi. Hammalari bir boʻlib, shamolga qarshi chiqishibdi. Quyosh esa shamolga qarata:

– Toʻgʻri, sen juda tez va qattiq esasan, lekin men hamma narsani issiq quchogʻimga olaman. Atrofni rohatbaxsh taftim bilan isitaman. Osmonda gavhardek nur taratib, butun borliqni yoritaman, – debdi.

Daraxt quyoshning bu iliq gaplaridan taʼsirlanib:

– Ey shafqatli quyosh, muruvvating, mehringdan men ham rang-barang chechaklar ochaman, xilma-xil mevalar tugaman, – debdi. Bu soʻzlarni tinglab oʻtirgan dengiz:

– Ey shafqatli quyosh, marhamating tufayli moviy osmon kabi tovlanaman, odamlar bemalol kemalarda sayr qiladilar. Baliqlar ham men bilan osoyishta hayot kechiradilar.

Butun borliq quyoshning mehribonligidan mamnun boʻldi. Shamolning qahri qattiqligidan nolishdi.

Qissadan hissa shuki, hayotda ham qattiq odamni hech kim yoqtirmaydi. Hamma koʻngli ochiq, mehribon insonlarga intiladi. Mehribon insonlar oʻzgalarning quvonchiga sabab boʻladi.

"Ertaklar – yaxshilikka yetaklar" kitobidan olindi.




TOPI SH MOQLAR

Gur-gur etar, uchar ketar,
Yurtdan yurtga odam eltar.

(Samolyot)

Oʻradi, oʻrogʻi yoʻq.
Yigʻadi, tirnogʻi yoʻq.
Doni boʻlar qop-qop,
Yanchadi, toʻqmoqʻi yoʻq.

(Kombayn)



RANGLAR JILOSI



Gʻildiraksiz parovoz,
Parovozki juda soz.
Dengizlarda suzadi,
Baliqlardan oʻzadi.

(Parovoz)


Choʻzilib yotar narvon,
Undan oʻtar uy-karvon.

(Temiryoʻl, poyezd)



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

ADIB VA DUNYO



MULOHAZA

Talabalik yillarimizda rahmatli adabiyotshunos olimlar G'ulom Karimov bilan Ozod Sharafiddinov o'rtasida realizm masalasi yuzasidan bahs-munozara rosa qizigandi. G'. Karimov tabiatan ehtiyotkor va sermulo-haza, O. Sharafiddinov esa dangalchi va jo'shqinroq edi.

Kunlardan bir kuni ikkala domla trolleybusda ishga kelishayotgan ekan. Manzilga yaqinlashganda Ozod aka G'ulom Karimovni ogohlantiradi:

– Domla, keyingi bekatda tushishimiz kerak.

G'ulom Karimov boshini sal engashtirib, ko'zoynagi ustidan Ozod akaga sinchkovlik bilan qarab turib, shunday dermish:

– Siz shunday deb hisoblaysizmi, Ozod Obidovich? Menimcha, bu masalani jiddiyroq o'ylab ko'rish lozim!


Shodmon OTABEK
(Do'rmon hangomalaridan)

“Mayli, chap qo'lim bilan o'ynayman”

Semyuel Klemens o'n sakkiz-o'n to'qqiz yoshlarida Nevada shtatidagi Virjiniya Siti shaharchasiga keladi. Bu yerda “Mahalliy tadbirkorlik” (“Territorial Enterprise”) gazetasiga ishga kirib, “Mark Tven” taxallusi bilan chiqishlar qiladi. Kunlarning birida bo'lajak yozuvchi bilyardxonaga kiradi. U yerda bir notanish kishi yarim dollarga bilyard o'ynashni taklif qiladi.

Semyuelni qiziqitirish uchun “Mayli, chap qo'lim bilan o'ynayman”, deb qo'shib ham qo'yadi. Bu gap yosh reportyorga ta'sir qiladi. “Bu maqtanchoqning bir adabini berib qo'yay”, deb yeng shimarib, o'yinga kirishadi. Biroq ish chappasiga ketadi. O'yinni boy bergan Mark Tven raqibiga: “Chap qo'lda shunchalik o'ynar ekansiz, o'ng qo'lda o'ynashingizni ham bir ko'raylik”, deydi havas bilan. “Afsus, ilojim yo'q, – deb javob beradi raqibi, – axir men chapaqayman”.

Rus tilidan Orif TOLIB tarjimai



BIR CHIMDIM

Avvalo, odam bo'lishga harakat qil, ortiqcha vaqt topsang, olim bo'laverasan.

PIFAGOR

1313-yil Angliyada qabul qilingan qonunga ko'ra, parlament binosida nima qilish mumkin emas?



Javob: Vafot etish.

Qaysi davlat ma'lum vaqt Seylon nomi bilan atalgan?



Javob: Shri-Lanka.

Ushbu davlatda dunyodagi barcha ko'llarning yarmidan ko'pi joylashgan bo'lib, ular mamlakat hududining 9 foizini egallaydi.

Gap qaysi davlat haqida bormoqda?



Javob: Kanada.

Vatanparvar bilsinki...

VATAN MUSTAQILLIGINI HIMOYA QILISH – Mustaqil davlat va xalqning o'z yutuqlarini asrash va mustahkamlash, chegaralari, hududiy yaxlitligi, suvereniteti va manfaatlarini muhofaza etish borasidagi faoliyati (*kurashi*). Vatan mustaqilligi himoyasida harbiy, iqtisodiy, siyosiy va diplomatik vositalar qo'llanilib:

tinchlik davrida – mustaqillik asoslarini qo'porishga yo'naltirilgan har qanday harakatlarning oldini olish va dushman tajovuzini bartaraf etishga mamlakatni har tomonlama tayyorlash tadbirlari;

urush davrida – dushman bilan qurolli kurash shaklida amalga oshiriladi.

Vatan mustaqilligini himoya qilish – mustaqil mamlakat fuqarosining muqaddas burchi, huquqiy va ma'naviy majburiyatidir.

BAYROQDOR – Zimmasiga Jangovar bayroqni olib yurishdek faxriy majburiyat yuklatilgan harbiy xizmatchi.

Mukofotlarga sazovor bo'lgan yoki xizmat davomida o'zini ijobiy ko'rsatgan serjant yoki ofitserlar tarkibidan qism komandirining buyrug'i bilan tayinlanadi. Ayni paytda bayroqdor bilan bir qatorda uning

ikkita assistenti va Jangovar bayroqni kuzatib borish uchun bayroqdor vzwod tayinlanadi. Jangovar bayroqni olib yurish mobaynida bayroqdor va uning assistentlari yelkalariga bayroqbog' tashlab olgan bo'lishlari lozim.

BIRINCHI NAVBATDAGI VAZIFA

– Quruqlikdagi qo'shinlarning bo'linma, qism, qo'shilma va birlashmasi oldiga, hujumni boshlash va yuritish uchun qo'yilgan jangovar vazifaning birinchi navbatda amalga oshiriladigan qismi. Birinchi navbatdagi vazifa yuqori pog'onadagi boshliq tomonidan qo'yilib, mazmunan – dushmanning muayyan hududidagi asosiy kuchlarini tor-mor etish hamda hujumning istiqboli va navbatdagi vazifaning muvaffaqiyatli bajarilishini ta'minlovchi marraning zabt etilishidan iborat.

BOTIRLIK – Jangchining xavfli vaziyatda g'alaba qozonishiga ishonch bilan qo'rqmay, yagona maqsad sari harakatlanishi va hayoti uchun xavf tug'diradigan vazifani bajarishda namoyon bo'ladigan ma'naviy-ruhiy va jangovar sifatleri. Botirlik – vujudga kelgan vaziyatdan qat'i nazar qo'yilgan maqsadga erishish yo'lida uzil-kesil harakatlar bajarish, tanlagan g'oya va tamoyillarga sodiq qolishni taqozo etadi.

Jang sharoitida botir jangchi mavjud to'siqlardan qo'rqmay, dushman bilan mardonavor va shiddat bilan jang qiladi.

Tinchlik davrida jangchining botirligi taktik mashg'ulot, jangovar o't ochish, raketa uchirish, parvoz kabi tadbirlar mobaynidagi yagona maqsadli tashabbuskor harakatlari, o'zi va o'rtoqlariga nisbatan talabchanligi, tanqid qila olishi va o'z harakatiga tanqidiy munosabatda bo'la olishi, har qanday yovuzlik va adolatsizlikka loqayd bo'lmagan xulqqa ega bo'lishida namoyon bo'ladi.

Botirlikning aniq ifodasi jasorat va tashabbusdir. Botirlik tushunchasi mardlik, barqaror iroda, dadillik kabi sifatlar bilan uyg'unlashgan bo'lib, ikkiyuzlamachilik, qo'rqqoqlik, tushkunlik, munofiqlik kabi tushunchalarga mutlaqo ziddir. Botirlik sifatini tarbiyalash va ushbu sifatni jangchi tabiatiga singdirish borasidagi harakatlar jangovar ta'limot va harbiy xizmat jarayoni, mafkuraviy ish, madaniy-oqartuv va ommaviy-sport tadbirlari davomida amalga oshiriladi.

“Harbiy atamalar izohli lug'ati”

VATANPARVAR

Muassis



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MUDOFAA VAZIRLIGI



www.mudofaa.uz

Bosh muharrir:

mayor
Ahror Ochilov

Navbatchi:

kapitan
Aziz Norqulov

Sahifalovchilar:

Begali Eshonqulov
Nodirabegim Valiyeva
Dilnoza Meliqo'ziyeva

Musahhihlar:

Sayyora Meliqo'ziyeva
Sayyora Mirzayeva

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 269-88-91
faks: 71 260-32-29

ISSN 2010-5541

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – «Vatanparvar» Birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma: Г-805
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 30 011 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzillimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



www.mv-vatanparvar.uz



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya